**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Тасвирий ва амалий санъат кафедраси.**

**“Ҳимояга тавсия этилсин”**
**Тасвирий санъат ва мусика факултети**
**декани:_________СФАбдуллаев**
**”____”____________2010 йил**

**КАМОЛОВ ИФТИХОР БАХТИЁРОВИЧ**

**5А140700 –Тасвирий санъат таълим йўналиши бўйича магистр даражасини олиш учун**

# КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСБИ КУЛОЛЧИЛИК МАКТАБИ ТАРИХИ ВА АНЪАНАЛАРИ

**Бухоро-2010 йил**

РЕЖА:

I. КИРИШ. Тадкикотнинг долзаблиги, мақсад ва вазифалари........................................................

II. Асосий қисм…………………………………

1) Кулолчилик санъати тарихи………………..

2) Кулолчилик санъати мактаблари …………

2.1 Ғурумсарой кулолчилик мактаби.............

2.2 Ғиждувон кулолчилик мактаби................

2.3 Риштон кулолчилик мактаби.....................

3) Қашқадарё вилояти Касби кулолчилиги тарихи, ривожланаши босқичлари……………………..

3.1 Қашқадарёда санъат ва ҳунармандчилик ривожи...................................................................

4) Қашқадарё вилояти Касби кулолчилиги усталари

III. Хулоса

Кулолчилик санъатининг инсон хаётидаги урни

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Иловалар

Кулол айлантирар чархин,
Қора лой ўлғай, санъат чин.
Бужур, лек санъати зебо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Э.Вохидов

Кулолчилик қора лойдан мўъжизакор ўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир. Бу қора лой, саховат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжитни ўз зиммасига олган фаровонлик, тўкинлик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши санъатининг заминидир. Кулолчилик билан дунёдаги барча халқлар шуғулланади. Улар ўзига хос томонлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Сопол буюмлари содда бўлсада унинг кўриниши қисмларнинг аниқлиги, мутаносиблиги сақланиши, нақшларининг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмуниниг бирлиги, уйгунлиги ўзбек кулолларининг жаҳонга танитиб келмокда. Кулолчилик ҳунари лойдан пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача, тоғора, хум, тандир, буюм, ўйинчоқлар, қурилиш материаллари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар. Улар аввал лойдан идишғтовоқлар ясаб, гулханда қиздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларидан бўлгани учун кулолчиликнинг кенг тарқаган бўлиб, дастлаб бу ҳунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик чархи милоддан аввалги 3-минг йилликнинг бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш-товоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

Неолит даврида идишларни таги учли қилиб тайёрланиб ерга санчиб қўйилган. Энолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда Қадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошланган.

VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Янги кўтарилиш даври бўлди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар, яъни Абу Али ибн Сино, Беруний,

Фирдавсий, Рўдакийлар етишиб чиқди. Бутун дунёга машҳур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. Бухорода Исмоил Самоний макбараси қурилди.

XIII асрда мўғуллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолади. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига путур кетди. XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё территориясида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. Амир Темур халқ амалий санъатини ривожлантиришда жуда катта хизмат қилди. Босиб олинган жойлардан усталарни олиб келиб улар учун расталар очтирди. Машҳур, гўзал, нафис бинолар, қасрлар, саройлар қурдирди. Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро ички жанглар оқибатида Темурийлар хонлигида марказлашган хонлик кучсизланиб кетди. Натижада Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари пайдо бўлди. Ўрта Осиёда бир неча феодал давлатнинг бундай ажралиши натижасида ўзаро алоқа сусайиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам кулолчилик турли ерларда турлича ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил бўла бошлади. Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилади. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислашиб борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини ясашдан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар.

XIX асрда арзон баҳо чинни ишлаб чиқарилиши ва Россиядан чинни ишларни кўплаб олиб келтирилиши Ўрта Осиё территориясида сопол буюмлар ишлашни бирмунча пасайтириб юборди. Лекин арзон сопол идишларни меъморчиликда кенг фойдаланилиши кулолчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қила олмади.

XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Ғиждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлади. Улар сопол ишларини сирлаб безатишнинг ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган кулолчилик махсулотларининг сифатлилиги, чиройлилиги, нақшларининг нафис ва таъсирчанлиги билан шухрат қозондилар. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика ва Самарқандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкентда ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилиб у ер халқ амалий санъати усталари шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди (1943 йилда Шахрисабзда ўқув-ишлаб чиқариш бадиий комбинати ишга тушди). Кулолчилик сир-асрорларини машҳур кулоллар ёшларга сидқидилдан ўргатдилар. Булар риштонлик Узоқ шерматов, Холмат Юнусов, ғиждувонлик Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров, Тошкентлик Туроб Миралиев, Шахрисабзлик Рустам Эганбердиев, Карим  Хазраткулов ва бошқалар эди.

Кўпгина кулолчилик устахоналари, артеллари ташкил этилди. 40 йилларда Ғиждувондаги “Намуна”, Риштонда “Янги ҳаёт” артеллари фақат жумҳуриятимизда эмас, балки бутун дунёга машҳур эди.

Айниқса кулолчиликни татбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

Муҳиддин Раҳимов - Тошкент кулолчилик мактабининг машҳур кулолларидан бири (1903). Кулол, санъатшунос, Рассомлар уюшмасининг аъзоси, халқ рассоми кулолчилик ҳунарини қариндошлардан ўрганади. Туркистон халқ хўжалиги кенгаши қошидаги Тошкент бадиий ҳунармандчилик мактаби (1918-20), Москва Силикатлар иститути (1924-26)да ва Ленинград Керамика институти (1927-29) да ўқиган. У Саманқанд ва Тошкентдаги қадимий меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашди. Раҳимов ижодида анъанавий ўзбек кулолчилиги билан замонавий совет сополчилиги уйғунлашган. Ижодининг дастлабки даврида яратган буюмлари ( йирик шаклли эркин ҳамда қуюқ бўялган нақш безаклари) да ёрқин заминдаги кўк, яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб композиция ҳосил қилади. Ўрта асрлар кулолчилигини яхши курган Раҳимов анаъанавий лаган, гулдон ва янги шаклли безак идишлар, портретли совҳа буюмлар яратди, уларнинг безагида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мазмун, ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан мохирона фойдаланади. Сопол материали ва бўёқларини ўрганиш йўлидаги изланишлар самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келди, масалан, 1961 йилда рус тилида “Художественная керамика Узбекистана” асари ва бошқалар. У Ҳамза Номидаги санъатшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1965-71), Тошкент театр ва рассомчилик санъати иститути (1958-61) ва П.Беньков номидаги Жумҳурият бадиий билим юртида дарс берган (1952-76). Раҳимов яратган сопол буюмлар Москвадаги шарқ халқлари санъати музейи, Ленинграддаги этнография музейида, Ўзбекистон жумҳурият музейларида сақланади. У Ҳамза мукофоти лауреати (1977).

Хоразм кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшган усталардан бири Раимберди Матжоновдир.

Раисмберди Матжонов – Хоразм бадиий кулолчилик мактаби Ўзбекистон амалий безак санъатида алоҳида ўрин тутди. Кулолчилик мактаби Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар кулолчилик мактабларидан ўзига хос ясаш услуби, технологияси, нақш композициялари, колорити, динамиклиги кишиларга эстетик таъсирчанлиги билан алоҳида ўрин тутади. Хоразмда бу қадимий санъат авлоддан-авлодга анъана тариқасида ўтиб ҳозирги кунда ҳам ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Ана шундай бадиий кулолчилик анъанасини давом эттириб келаётган Хоразм кулолчилик

мактабининг йирик вакилларидан бири рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Раимберди Матжоновдир.

Раимберди Матжонов Хоразмнинг қадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йили кулолчилар оиласида дунёга келди. Ўша даврда Мадир қишлоғида ўн беш кулолчилик устахонаси бўлиб, уларда саксондан ортиқ кулоллар ишлар эди. Кошин пиширишда ўша даврда ном қозонган усталар Уста Болта Матризаев, Болта Ваисов, Матжон Қулматовлар бор эди. Матжон кулолнинг ўғли Раимберди ўз отасидан кулолчилик сир-асрорларини ўргана бошлади. У аввал лойдан ҳар хил ўйинчоқлар, шакллар ясаган бўлса, кейинчалик ихчам бодия, кошинни ўрганди. Кулолчилик сир-асрорларини олти йил деганда ўрганиб, Эшим кулолнинг оқ фотихасини олди. Ўзи мустақил идиш ва кошинлар ижод қила бошлади. 1930 йили Р.Матжонов кооператив артелига кириб кулолчилик ишларини давом эттирди. Ўша даврда кулллар жуда камайиб кетган эди. Унинг бу оғир ишларига турмуш ўртоғи ёрдам берарди.

Уста наққошлик сир-асрорларини мукаммал ўрганди. У шу ўрганган накшларини кулолчилик буюмларига қўллашга астойдил интилиб, XIX-XX аср Хива кошинкорлик анъаналарини бойитадиган буюмларда ҳам, кошинда ҳам уч хил оқ, яшил, ложувард ранглардан фойдаланди. У рангларни тайёрлаш технологиясини ҳам жуда яхши билар эди. Идиш тайёрлангандан сўнг қўлда ва штамп ёрдамида нақш чизилади, унга сир берилиб офтобда қуритилиб печда  қиздирилади. Уста сирни ўзи тайёрларди. Қорақмуга бориб, чоғон ёки кирчоп йиғиб дарҳол ўша жойда ёқиб кулини устахонага олиб келиб майдаланган шиша унига қўшади. Яъни уч қисм кулга бир қисм шиша шиша кукуни қўшилади. Уни бирор идишда сув билан аралштириб тайёрланган бодияга суртилади. Кейин бодияни ўтда пиширишда ўша юмалоқ суюқлик ўтга ташланади. У ўтда бодияга урилиб рангини ўзгартиради. Ўша қум порошогини сув билан аралаштириб, совитилади ҳамда тозаланади. Унга ун ва озгина мис оксиди қўшиб тайёрлайди, сўнгра бодия сиртига суркайди. Кулол Раимберди Матжонов шу технология асосида лойдан хум, кўза, тоғора, чаноқ, чойнак, пиёла, офтоба, бодия ва бошқа хилма-хил бадиий буюмлар тайёрлади. Халқимиз “шогирдсиз уста мевасиз дарахт” деб бежиз айтмаган. Устани Хоразмда сермева дарахтга ўхшатишади, чунки жуда кўп шогирдлар етиштириб чиқаради. Ўзбекистон халқ усталари бирлашмаси Рахимберди Матжонов устахонасида хунармандчилик мактаби очтириб, у ерда хунармандчилик сир-асрорларани ўргатди. Унинг шогирдлари Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев Марямжон Матжонова, Мукаррама Саъдуллаевалар ҳозир бадиий кулолчилик санъатини ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқдалар. Тарихий обидаларни таъмирлашда уста кулолнинг хизматлари катта. 1956 йили Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлашда қатнашди. У

гумбазнинг пастки қисми учун қадимги услубда зангори рангда кошинлар тайёрлаб берган, улар ҳозирги кунда аввалгидек рангини йуқотмай турибди. Кулол яна кўҳна арк дарвозасининг икки минорасини ва меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашди.

1975 йили халқ устаси кумуш медали билан тақдирланди. 1970 йилдан бери рассомлар уюшмасининг аъзоси Уста Раимберди Матжонов сеҳрли қўлларида сайқал топган бадиий кулолчилик буюмлари Республикамизнинг ва бошка чет элларда масалан Венгрия, Франция, Чехословакия, Ҳиндистон, италия, Монголия каби хорижий мамалакатларда намойиш этиб фахрли ўринларни эгаллади. Унинг бодия, кўзача, чаноқ, кошин ва бошқалари Москва, Ленинград, Тошкент, Хива шахарларидаги музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган.

Ҳар бир ҳунарни ўзига хос машаққатли ва ўзига хос сир-асрорлари бўлади. Қадимдан ота-боболаримиз бадиий кулолчилик сирларини ва тажрибаларини фақат ўз шогирдларига ўргатиб ўзга болаларга ўргатмаганлар. Ота-боболаримиз асрлар мобайнида кулолчилик сир-асрорларини ўрганиб ҳар бир маҳсулотни айниқса сифатига, бадиийлигича, фойдаланиш қулайлигига ва унинг умрбоқийлигига алоҳида эътибор бериб келганлар. Шунинг учун улар тайёрлаётган оддий сопол пиёласидан тортиб шарқ меъморчилигини безаб турган кошинларнинг умрбоқийлиги дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Ҳа, бунга эришиш учун ота-боболаримиз юқори сифатли ғоят чидамли ҳамда давр синовларидан ўтган материаллардан кенг фойдаланиб келганлар. Ўтмишда тупроқдан, қорачироқ, шамдон, сархона, жамашов, хум хамда овқат пишириладиган сопол идишлар тайёрланган, лекин кейинги вақтга келиб буларга эҳтиёж бўлмагани учун улар йўқолиб бормоқда. Ҳозир товоқ, гулдон, лаган, пиёла, тандир ва бошқалар кўп ишлаб чиқарилмоқда. Кулолчиликда асосий хом ашё тупроқдир. Тупроқларнинг соғ тупроқ, қора тупроқ, кўкимтир, қизил лойкор турлари бўлади. Кулолчиликда ишлатиладиган лой ўзининг хусусияти ва ишлатиладиган буюмига қараб бир неча гурухларга бўлинади.

Лой гулдон - серширали лой, бу лойдан жуда нозик гулдонлар ясалади. У эластик хусусиятга эга булиб, жуда лойи қўшилган бўлади.

Чинни лой - ёки оқ лой - яримфоянс бўлиб, қорамтир лой оқтош ва ишқор қўшилиб тайёрланади. Бу лойдан коса, пиёла, лаган бошкалар тайёрланади.

Кесма кошин лой - ўтга чидамли қорамтир лойдан, яъни гилватага оқ тош ёки оқ қум қўшиб тайёрланади. Ундан хар хил мозоикали кошинлар тайёрланади.

Кошин лой - ширачли лойга кварс қуми қўшиб ундан ҳар хил кошинлар тайёрланади.

Косагар лой – патлой ёки товоқ лой деб ҳам юритилади. Бу лой соғ тупроққа қамиш қозғоғини аралаштириб тайёрланади.

Кўзгар лой – 60%-70% пластик ёғли лой ва 30-40% соғ тупроқдан иборат бўлади. Ундан хум, гулдон, кўза ва бошқалар тайёрланади. Кулолчиликда шамод, гулвата, бўёқлар, ангоб, чарх, мўйқалам, мола, катта мола, кичкина мола, сим, нақшин қолип, лабгир, лаган қолип, паргор қалам, кожкорд, тароқ, таги қалам, ғужмак, туппа ва бошқалар ишлатилади. Кулолчиликда лойни усталар хар хил технологияда тайёрлайдилар. Махсус тупроқдан лой қилиниб уни тепиб, муштлаб пиширадилар. Лойни нам матога лой тайёрлайдиган хона бўлиб уйни ички қисмидан ҳовузга ўхшаш унча чуқур бўлмаган жон бўлган. Бу ҳовуз пишиқ ғиштдан тўшалади. Лойни ҳар куни, яъни 20 кунгача сув сепиб пиширилади ва нам шолчани устига ёпиб қўйилган. Кераклигича лойни тепиб, муштлаб пиширилади. Лойни юлиб олиб стол устига уриб-уриб пишитилади, шунда лой ичида тўпланиб қолган ҳаво йўқолади. Агар лойда ҳаво қолиб кетса, идишни печкада пиширганда ўша бўшлиқ яна катталашиб идиш тешик бўлиб қолиши мумкин.

Шунинг учун қанча кўп лойни пишитилса шунча сифатли махсулот олинади. Кулолчилик чархида идишлар тайёрланади. Чарх асосий қурол бўлиб, у катта ва кичик ёғоч ғилдиракдан иборат бўлади. Ёғоч ўқ билан бирлаштирилади. Кулол чархнинг пастдаги катта ғилдирагини оёғи билан айлантириб туради. Юқоридаги ғилдиракка лой қўйиб ундан идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар яхшилаб қуритилади. Чунки яхшилаб қуритилмаса кейин печда ёрилиб кетиши мумкин. Қуритилган идишларни хумда қиздирилади. Сирланадиган идишлар сирланади яна хумдонда қиздирилади. Қадимдан кулоллар маълум идиш ёки буюм бўйича ихтисослашган бўлади. Масалан, косагар, тандирчи, кўзагар ва бошқалар деб юритилади. Хоразм бадиий кулол усталари қадимда ўзига хос технологиясига эга бўлганлар. Улар кошин, бодия хум ва бошқа кулолчилик махсулотлари устида бериладиган сирни тайёрлаш учун ёзнинг жазирама иссиқ ойларида кўҳна Урганч томонларидаги қум этакларига чиқиб ҳафталаб чоғон ўсимлигини тўплаб уни ёқиб, кулини олиб келганлар. Ҳозир бу ўт жуда камайиб кетган. Бу ўсимликдан

ташқари қора ўроқдан ҳам фойдаланган. Сентябрь ойларида қора ўроқ айни ширачга тўлган вақтида фақат яшил патини ёқиб кулидан ишқор тайёрлаганлар. Устахонага олиб келтирилган чоғон ва қора ўроққа қум аралаштириб қўлни намлаб гувала қилинади ва хумбузга қўйилдади ҳамда уни юқори даражада иссиқликда қиздирилади. Натижада у тошга айланади. Кейин эса иккинчи марта хумбузнинг токчасига қўйилади. Юқори даражада қиздириш натижасида у пастки охирга оқа бошлайди ва у оппоқ рангга ўтган бўлса тайёр бўлгани. Агар у қорамтир тусда бўлса шу жараён яна қайтадан давом эттирилади. Ҳосил бўлган оқ тошсимон ишқорни тегирмонда ун ҳолига келтириб майдаланади. Бу ишқор унига янги буғдой унидан атала пишириб қозонда қориштирилади. Қозонга сув солиниб булғаб суюқлик ҳолига келтирилади. Ҳосил бўлган хом ашё табиий ишқор сири деб айтилади. Тадиий ишқор сиридан тайёрланган маҳсулот юзига чўмич билан берилади. Печда бу сир 1000-1200 даража иссиқликда лойга шундай киришиб кетадики у иссикликка ҳам, совукда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайдиган бўлиб қолади. Кулолчиликка хос бўёқлар тайёрлаш ҳам ўзига хос технологияга эга.

Оқ ранг – бу ранг оқ тупроқ гилвати ва 11% гача оқтошни майда қумини қўшиб тайёрланади. Уни аралаштириб атала ҳолда тайёрлаб буюм юзига текис сурилади ва кейин нақш чизилади.

Яшил ранг - мис куюндиси кукуни қўрғошин сир ва ўтга чидамли тупроқ, яъни гилвата қўшиб тайёрланади. Мис кукуни аввал қизғиш рангда бўлади, хумбузда пиширилган яшил рангга айланади.

Қора ранг – қора ранг 15% гилвата, марганец оксиди, лазурь ва қўрғошин сирларини қўшиб тайёрланади.

Сариқ ранг – ёнган темир соп ёки майда темир чикиндиларидан фойдаланиб темир кукуни мис козонга  солинади ва унга гулвата, қўргошин сири хамда сув солиб эзғилаб тайёрланади.

Ҳаво ранг - ложуворд, оқ тош ёки оқ қум ва гилвата қўшиб тайёрланади.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСБИ КУЛОЛЧИЛИГИ ТАРИХИ

Донишмандлик шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетган фазилат. Қадимги Касби шаҳарчасини айланиб, кўздан кечирган кишининг хаёлидан ана шундай ўйлар беихтиёр кечади.

Касбининг қадимги иморатлари Қашқадарё вилоят Касби туманининг шундоққина чеккасида қад кўтариб турибди. Унинг тарихи мана бундай. Шаҳарча эрамиздан аввал бунёд этилган. Бу ҳақда қўрғон яқинида бир неча бор ўтказилган археологик қазилмалар гувохлик беради. Бу ерда қачонлардир қалъа бўлган. Ҳозирги мавжуд қўрғон ана шу қалъанинг бир қисми, холос. Ундаги нураган иморатлар киши хаёлини олис асрларга етаклайди.

Ажаб, баъзида тарих худди афсона сўзлаётганга ўхшайди. Бу ерда, шунча даврлар ўтишига қарамай, XI-XIV асрларда қурилган Султон Мир Хайдар ёдгорлик ансамбли ва XIV асрда бунёд этилган мачит жуда яхши сакланган. Касбилик комил кишиларнинг кабри устига куйилган ёдгорликлар алохида қизиқиш уйғотади. Дид билан ташрошланган қабр тошларига кишиларнинг исми шарқона нозик хуснихатда маҳорат билан ёзилган. Мармар ёдгорликларга солинган накшлар узоқ асрларда яшаган усталарнинг юксак диди

ва санъатидан авлодларга тулиб-тошиб сузлайди. Қадимги Касби кўчаларида юриш жуда қизиқарли, ҳар бир ҳовли, хар бир гумбаз, уйларнинг ҳар бир девори қаршисида бир дақиқа тўхтаб қоласан, хаёлан ўрта аср воқеалари, одамлари билан учрашиб, уларнинг ташвишларини, қувонч ва ғамларини туясан. Шундоққина гумбаз саҳнининг қаршисидаги баланд тепалик неча марталар сайилларнинг гувоҳи бўлганикин ва неча марталар юлдузларга елка тутганийкин?! Ўрта асрларда Касби ана шундай бўлган ва у бизнинг кунларимизгача мавжуд обидаларга ўз изларини сақлаб қолган.

Касбининг яна бир диққатга сазовор жойи борки, бу сардобадир. Сардоба шаркда сув сақлайдиган бирдан-бир жой ҳисобланган. Бундай катта сув сиғимли ҳажмдаги сардобани бошка бирон жойда учратиш қийин. Сувни асраш мумкин булган бундай нодир “иморат” инсон ақлининг меваси бўлиб, шар шаклида қурилган. Касбидаги ана шу сардоба хажми жиҳатдан Пулково обсерваторияси гумбазидан бир неча бор катта булиб, цилиндрнинг диаметри 16 матрдан узун. Сардобани қуриш учун ишлатилган ғиштлар жуда катта иссиқликда пиширилган ва сувда уваланмайдиган холатга келгунга қадар қиздирилган. Ғишт учун тупроқ эса Амударё этакларидан олиб келинган. У махсус усулларда қорилиб куйдирилган, узоқ муддат оловга қўйилган, сўнгра бир йиллаб офтоб еган. Ғишт қиёмида қотиб, ҳеч қандай дарз кетмаган такдирдагина қурилишга яроқли ҳисобланган. Ғиштларни териш учун ишлатиладиган қоришма ҳам алоҳида усул усул билан ишланган, яъни унга ҳайвоннинг сути ва туянинг жуни кушиб тайёрланган. Айни шундай қоришмагина сувга чидамли булиб, иншоот мустахкамлигини таъминлайди. Сувни фильтрлаб, тоза саклаган сардобанинг учдан икки қисми гумбаз шаклида ер сатхидан юкорига чикиб турибди, колган қисми ернинг остида. Ёмғир сувлари оқиб кириши учун унинг ёнларидан дарчалар қўйилган ва улар сувни шамоллатиб туриш вазифасини ҳам бажаради. Сувни бундай асраш усули Ўрта Осиёнинг дарё ва булоқ, каналлари бўлмаган дашт жойларида учрайди. Касбидаги сардобага бутун қиш ёғин-сочинларидан катта хажмда сув тўпланган ва у Қарши дашти шароитида, сувнинг томчиси олтинга тенг бўлган ёз ойларида жуда асқотган.

Қарши воҳасида Касбининг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Чунки у Самарқанддан Ҳиндистонга, Бухородан Афғонистонга, Россиядан Эронга ўтадиган карвон йулида жойлашган. Яна шу манзилларга отланган ҳар қандай сайёҳ албатта сув ичиб, дам олиш учун Касбига қўнмасдан ўтмаган.

Худди ана шу муносабат туфайли Касбида кулолчилик ривож топган. Кулол бу ернинг дастлабки ҳунарманди, асосий кишиси саналади. Унинг дастгоҳида сайқал топган идишлар бу ердан ўтган карвоннинг назарига тушган ва унга йўлда асқотган. Маълумки, ҳар қандай босқинчи ҳам, ҳар қандай қудратли лашкар ҳам сувсиз узоққа борилмайди.

Шунинг учун ҳам сувни зарга тенглаштирилади. Касби кулоллари ясаган хумларнинг хар бирига 50-100 литрдан сув кетади.

Кулолчилик ҳунар ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, у ҳамма нарсани тупроқдан ясайди, қийинлиги эса, таъбир жоиз бўлса, кулол - инсоннинг механизациялашган меҳнатига асос солган кишидир. Чунки унинг оддий буюм ясаш ниятидан ихтиро қилиш фикри туғилган, яъни нарсалар ясаш жараёнида дастлабки механик дастгоҳни жорий қилган. Қанча-қанча ҳукмдорлар беиз ўтган, қанчалаб шоҳлар унутилган, лекин кулолларнинг ҳунарлари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. У дастгоҳ ёнида ўтириб, қадим замонлардан бери тупроққа сайқал бергани берган.

Бугунги кунда бу ерда кулолларнинг ўнлаб сулолалари бор. Қишлоқдан ўтаркансиз, диққатингизни ҳовлиларнинг деворларига суяб кўйилган кўзалар тортади. Улар орасида ярим литрдан тортиб, тўрт-беш челак сув кетадиган хумлар ҳам учрайди. Сардоба XIV-XV асрларда қурилган, деган тахминлар бор. Унинг чор атрофида сопол парчалари тупроққа қоришиб ётибди. Бу парчалар кўпгина урушлардан, суронлардан нишона. Шу билан бирга бу ерда катта бозор бўлганлидан ҳам далолат беради.

Оловиддиннинг сехрли чироги хақида ким билмайди, дейсиз. Айтишларича, Оловиддин ҳам Касбида туғилиб, шу ерда яшаган экан. Унинг отаси сардоба атрофида сув сотар экан... шунинг учун бўлса керакки, бугунги кунда ҳам Оловиддиннинг ўша саҳрли чироғини Касбидаги ҳар бир хонадонда учратиш мумкин. Тўғри, бу чироқ бугун уйларни ёритиш учун ишлатилмайди, у фақат ота-боболардан қолган муқаддас ёдгорлик сифатида сакланади.

Бу чироқ деярли ҳар бир кулолнинг дўконига осиғлиқ. Уларнинг дўкони ҳамма нарса ҳисобга олинган ҳолда моҳирлик билан қурилган бўлиб, эни 2,5-3 метр, узунлиги 5-6 метр келади. Дўконнинг бурчагида мўъжазгина хумдон ўртасида дастгоҳ, худди шу ерда йилларнинг суронини қоғозга туширадиган йилномачидай кулол гоҳ ўтиради, гоҳ лойга сайқал беради ва бунинг натижасида хум ва кўзалар ясалиб, нақшлар билан безалади. Унинг иши шошқалоқликни ёқтирмайди, унга нечоғли ҳушёрлик билан, кўнгил бериб ишлаш керак. Шундагина кулол қўлидан чиққан ҳар бир буюмни чертсангиз жаранглайди.

Касби қишлоғи ва у ерда мавжуд кулолликнинг қадимийлиги кўплаб ёзма манбаларда қайд этилган. VIII-XII асрларда яшаган Араб географ ва сайёҳлари истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасийларнинг ёзувларига кўра, кўҳна Касби манзили ўрнига вужудга келган Касби қишлоғи илгари Насафдан ҳам катта бўлган, унда бир неча ёдгорликлар сақланиб қолган. Улар катта тепалик Касби шаҳарчаси ортида бўлган; бу ҳақда Қарши шахри гуллаб яшнаган пайтларда Маҳмуд ибн Вали шундай ёзган: “Абдуллахон

шайбоний ҳукмронлик қилган кезларда ... унинг тасарруфида қишлоқ ва овуллар кўп эди. Улар жумласида Касби худди жаннат боғни эслатарди".

Лекин ҳар қандай китобдан кўра ҳам Касби ўзининг ўтмиши ҳақида ўзи тўлароқ маълумот беради, бунга уни бориб кўрган, кўчаларда юрган, сақланиб қолган ёдгорликлари олдида бир лаҳза турган одам ишонч ҳосил қилади. Аждод-аждоди билан қишлоқнинг тарихий йўлларида ҳамқадам бўлиб келаётган кулоллар эса сизга бу ернинг ўтмишини яхшироқ билишингизга ўз ҳунарлари ва ҳикоялари билан кўмаклашадилар.

Ғурумсарой кулолчилик мактаби

ЎзА, И.Раззоқов – Фарғона водийси халқ ҳунармандларининг кулолчилик буюмлари юз йиллар давомида машҳур бўлиб келган. Риштон ва Қува кулолчилик саньати мактаби қаторида Ғурумсарой косибларининг ишлари ҳам шуҳрат қозонган. Ҳозирги пайтда бу қишлоқ Наманган вилояти Поп туманидаги кулолчилик иши марказларидан бири ҳисобланади.

Ўтган асрнинг Ўрталарида деярли унутилган кулолчилик касби кейинги Ўн йилда қайта тикланди.Шу ерлик Ўз касбининг моҳир усталари М.Раҳимов, М.Турсунов, Х.Ҳакимов, Ҳ.Сотимов замонавий Ғурумсарой кулолчилик саньати мактабига асос солди.

Ота-боболари ҳунарини давом эттираётган ёш косиблар орасида Ваҳобжон Бувайев ўз иқтидори билан Малоҳида эьтиборга сазовор. Унинг миллий услубда ясалган ва қадимги усталар усулларидан фойдаланган ҳолда безатилган сопол буюмлари Ўз сифати ҳамда ёрқин ранглари билан ажралиб туради.

В.Бувайевнинг ишлари Республика амалий саньат музейи, Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий саньат марказида ташкил этилган кўргазмаларда намойиш этилди. Пойтахтимизда ўтказилган Хучта шахсий кўргазмаси, "Ташаббус" кўрик-танлови, Мустақиллик куни ва Наврўз байрамига бағишланган кўргазмалардаги муваффақиятли иштироки Ваҳобжон устанинг ҳақиқий истеьдод соҳиби экани, қадимги кулолларнинг бой аньаналарини  ўлаштирганидан дарак беради.

Бундан ташқари Ғурумсаройлик бу уста ўқув устахонаси ташкил этиб, ёш авлодга ҳунармандчилик сир-асрорларини Ўргатмоқда. Ғурумсарой ва унга яқин қишлоқлардан эллик нафарга яқин ўғил-қиз бу йерда кулолчилик ишини ўрганмоқда. Улар ясаган миллий ошхона буюмлари кўпгина кўргазмаларда намойиш этилди, айримлари эса совға сифатида хорижий  шаҳарларга жўнатилди

Уста Мухаммадтоир Ризомухаммад угли (1898-1980) Тошкент шахрининг эски шахар мавзесидаги Чиғатой махалласида уста кулол оиласида дунёга келди. Оталари Ризомухаммад уста кулол эди. Оналари Хайри она уй бекаси эди. Етти ёшида махалладаги эски мактабга укишга келдилар. Уч йил эски мактабда савод чикариб, мулла Тоир номини олади. Сунг отасига ёрдам бериб юриб кулолчиликнинг хамма сир-асрорларини урганганлар. 1917 йил устанинг отаси оламдан утади. Кулолчилик касби билан оилани тебратиш Тоир отанинг зиммасига тушади. Уч сингил ва бир ука устанинг карамогида вояга етди. 16 ёшларида 1914 йил оила курган. Аёллари Мирсултон кизи Парахат она билан 5 угил ва 4 кизнинг отаси булганлар. Болаларини хаммасини кулолчилик касби оркали вояга етказиб, уй-жойли килганлар. Кулолчилик касби билан умрларининг охиригача шугулланганлар. Асосан халк эхтиёжи учун зарур булган ошхона буюмлари ясаганлар. Уста бу идишларни оддий усулда чарх деб аталган курилма ёрдамида ясаганлар. Уста тупрокни Кора Камиш жари якинидан корамтир рангдагисини олиб келганлар ва сопол буюмлар ясаганлар. Хумдонга утин ва кипик ёкилган. Пиширилган сопол буюмлар эски шахар расталарида халк истеъмоли учун сотилган. Савдо растасида утирган устани курган кино режиссёрлар Алишер Навоий фильмида иштирок этишга бир неча бор таклиф килишган. Устадан рад жавобини олишгач, улар устани киёфасини фотога тушириб кетишади. 1980 йил уста 82 ёшида оламдан утдилар.

Кулолчилик Шаркнинг энг кадимий ва навкирон санъатидир. Бу кора лой саховат ва халоллик эхтиёжини уз зиммасига олган фаровонлик, тукинлик, ризк–руз, гузалликни энг олий куриниши санъатининг заминидир.

Кулолчилик билан дунёдаги барча халклар шугулланади. Улар узига хос томонлари билан бир–биридан фарк килади. Узбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва узига хос услубга эга. Сопол буюмлар содда булсада, унинг куриниши кисмларининг аниклиги, мутаносиблиги, сакланиши, накшларнинг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмуннинг бирлиги, уйгунлиги узбек кулолларини жахонга танитиб келмокда. Кулолчилик хунари лойдан пиёла, коса, товок, куза кабиларни тайёрлайдиган соха булиб, у узок тарихга эга. Махсус тупрокни ута киздирганда

тошсимон булиб пишишини, ундан хар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда кадимдан билганлар. Улар аввал лойдан идишлар ясаб гулханда киздириб пиширганлар.

Тупрок жахоннинг хамма ерларида булгани учун кулолчилик кенг таркалган булиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шугулланганлар. Кулолчилик тарихи милоддан аввалги 3 минг йилликнинг бошларида ихтиро килингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шугуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш–товокларни махсус учок хамда хумдонларда пиширганлар.

Неолит даврида идишларнинг таги учлик килиб ясалиб ерга санчиб куйилган. Энолит даврида эса Шарк мамлакатларида хамда Кадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меъморчиликда సополдан фойдалана бошлашган. VIII-XII асрларда кулолчилик Урта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёб ва Урта Осиё мамлакатларидан топилган  кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Уша даврда Урта Осиё маданияти тез суръатда ривожланди. Янги кутарилиш даври булди. Купгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар етишиб чикди.

XIX асрда Урта Осиёда тожик ва узбек халклари уртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб, Гиждувон, Панжикент, Самарканд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо булди. Улар сопол идишларни сирлаб безатишнинг узига хос услубларини вужудга келтирдилар. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика ва Самаркандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкент укув ишлаб–чикариш устахонаси ташкил этилиб, у махаллий халк  амалий санъат усталари, шу катори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. 1943 йили Шахрисабзда укув ишлаб–чикариш бадиий корхонаси ишга туширилди. Кулолчилик сир-асрорларини машхур кулоллар ёшларга ситкидилдан ургатдилар. Хозирги кунда кулолчилик фанига янада эътибор кучаймокда. Пойтахтимизнинг барча КТМларида тугараклар ишлаб турибди. Узбекистон бадиий академиясига карашли Республика колледжида К.Бехзод номли рассомчилик ва дизайн институтида, Низомий номли ТДПУ БГФнинг амалий санъат кафедрасида бу фан яхши йулга куйилган. Хадемай бу усталар яратган кулолчилик санъат асарлари хам музейлардан жой олишига ишончимиз комилдир.

Риштон Узбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машхур ва кадимий марказлардан бири. XIX аср охири XX аср  бошларида ахолисининг деярли хаммаси кулоллардан иборат эди. Фаргона водийсидаги барча кулолчилик марказлари азалдан Риштон кулолчилик таъсири остида булган. Ушбу туманда хар кандай турдаги буюмларни ясаш учунярокли булган, алохида навли кулолчилик гилининг мавжудлиги бунга асос була олади. Кизгиш-саргиш рангли ажойиб гил Риштоннинг деярли бутун худудида 1–1,5 м чукурликда катлам булиб жойлашган. Гилнинг яхши сифатлилиги махаллий усталарнинг уни Узбекистоннинг бошка туманларидаги кулоллардан фаркли равишда олдиндан тозалаб бошка турдаги тупрокларга аралашмаган холда ишлаб чикаришга жалб килиш имконини беради. Кулоллар Риштон якинидаги тоглардан хар хил буёклар, кварцли кум ва оловбардош гилларни казиб олишган. 1960 йилларда юкорида эслатиб утилган мовий сопол буюмлари ишлаб  чикариладиган анъанавий марказлар бархам топа бошлади. Ана шундай шароитда Санъатшуносларнинг Бутуниттифок конференцияси (Фаргона 1974 йил) кабул килинган мовий ишкорли сопол идишлари ишлаб чикариш анъаналарини саклаб колиш хакидаги карори амалий ахамият касб этди. Ушбу карор усталарга маъкул тушди. Улар олдинги ишлаб чикаришга кайтиб буюмларни безашнинг анъанавий шакллари ва усулларини кайта тиклай бошладилар. Кейинги 20 йил ичида Риштон сополи анъанавий бадиий ва технологик усуллар асосида яна кайта тикланди. Ишкорли сир тайёрлаш хам йулга куйилди. Риштон сополчилигининг махаллий бадиий хусусиятлари куп жихатдан буюмларга накш берилишида кузга ташланади. 1970-90 йиллардаги гирих безаклар орасида турсимон накш, ромбсимон накш, учбурчакли

шаклларнинг бир маромда жойлаштирилиши доирасимон шаклларнинг занжир шаклида бир текис берилиши нуктали накш кора ва ок квадратчаларнинг навбат билан урин алмашиши шаклидаги накш эгри ва тугри чизиклар шаклидаги доирача ва тупбарггул шаклидаги мавхумий геометрик безаклар куп таркалди. Усимликсимон накшлар айникса турли–туман ва сермазмундир. Усимлик дунёсига оид мавзуларни талкин килишда айникса анъанавий белгилар билан бу мавзуларнинг янгича талкинлари нисбатан яккол кузга ташланади.

Хайвонларга оид ва антропоморфик мавзулар Риштон кулолчилигида «парчаси яхлити учун» тамойилига кура такдим этилган. Унда инсон, хайвонлар ва паррандаларнинг гавдасини айрим унсурлари ёрдамида яхлитлик гояси акс эттирилади. 1970–1990 йиллар Риштон кулолчилигининг ривожига куйидаги тамойилни кайд килиш мумкин. Риштонлик усталар анъанавий меросни астойдил эъзозлаш билан бирга анча дадиллик ва кескинлик билан буюмлар шакллари талкини хамда накшли безаклар характерига узгаришлар киритишяпти. Анъанавий шаклларни ва накшларни изчиллик билан тулаконли килиб кайта тиклаш анъаналарга сузсиз риоя килиш урнини якка тартибдаги ижодий ташаббускорлик, янгича усул ва накшин безаклар турларини кенгайтириш эгаллаб бормокда.

Хар бир ижодкорнинг рухий холати, узи бажараётган буюмида уз аксини топмасдан колмайди. Киши рухиятини кутаришда эса хонанинг озодалиги, жихозларнинг

кулайлиги мухим роль уйнайди. Кулолчилик хонасини жихозлашда хайкалтарошлик хоналарини жихозлашнинг умумий коидаларидан келиб чиккан холда жихозлаш кисман булсада фойдаланиш максадга мувофикдир. Хар бир асбоб–ускуналар, хом–ашёлар, кургазмали куроллар, талабаларнинг тайёр ишлари, дастгохлар, электропечлар тартиби билан уз жойига куйилмоги лозим.

Кулолчилик устахонасида бевосита талабанинг фойдаланадиган майдони 50-55 $м^2$ булса, хар бир талабанинг иш урни бир–биридан 60 см, каторлар орасида 1 м дан узокликда булса, харакатланиш кулай булади. Устахонага табиий ёруглик тушишини таъминлаш, бунинг иложи булмаса, кундузги ёруглик лампалари билан таъминлаш керак.

Кулолчилик асарини ясаш учун талабадан мохир мусаввирликни, наккошликни, хайкалтарошликни талаб этади.

Хар бир асбоб ускунани ёки дастгохни, электропечни, хумдонларни ишлатишнинг конун–коидалари мавжуд. Талабанинг бу технология билан танишмагани турли бахтсиз ходисаларни келиб чикишига сабаб булади. Ишлашдан олдин албатта махсус иш кийимини кийиб олиш зарур. Хумдонда сопол буюмлар пиширишдан олдин хумдон атрофидаги буюмлар куздан кечирилади. Ёнгиндан саклаш чоралари куриб чикилади. Электроиситгичларда ишлаганда уни иситишдан олдин барча симлар, узелларнинг бутунлиги куздан кечирилади. Агар баъзи симлар изоляцияси очилиб колган булса, электропечларни ишлатишга рухсат этилмайди. Топилган камчиликлар тузатилгандан сунг ишлашга рухсат берилади. Электропеч ишлатилиб, унга буюмлар куйилиб, эшиклари ёпилгач унинг иссиклиги аста-секинлик билан кутарилиб боради. Бу вактда печнинг эшигини хохлаган вактда кайта-кайта очиш таъкикланади. Печ ва буюмлар маълум муддатда совигандан кейин олиниши мумкин. Агар сопол буюм тугри технология асосида ясалган булса, у хеч качон ёрилмай чикади. Дастгохда ва хумдонда ишлаш учун мавжуд коидаларни узлаштирган ва уларга тулик риоя киладиган талабаларнигина махсус дафтарга имзо чеккандан кейин рухсат этилади.

Кулолчилик товарлари сопол ва керамика деб аталмиш фарфор, фаянс ҳамда маёликалардан тайёрланади. Сополдан буюм ишлаб чиқариш биринчи бор Мисрда эрамиздан олдин Т4 минг йил олдин бошланган. Фарфордан буюм ишлаб чиқариш сирларини хитойликлар эрамиз бошида билиб олишган.Маёлика сўзи Испаниядаги Маёрка ороли ва фаянс сўзи Италиядаги Фаенс шаҳри номларидан олинган.

Ўзбекистонда кулолчилик товарлари Тошкент, Самарқанд, Қувасой, Боғот чинни, Шеробод кулолчилик ва Риштон бадиий кулолчилик заводлари ҳамда Ангрен кулолчилик комбинатида ишлаб чиқарилади. Юртимизда Ангрен, Олмалиқ, Оқтош ва Нурободда каолин конлари, Шўрсувда куйдирганда оқарадиган гил, Чотқол ва Лангарда пагматит, Зирабулоқ, Зиёвуддинда дала шпати, Деҳқонобод ва Ѓузорда доломит конлари мавжуд. Кулолчилик қора лойдан мўжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон саньатидир.

Бу қора лой, саховат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжни ўз зиммасига олган фаровонлик, тўкинлик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кЎриниши саньатининг заминидир. Ўзбек кулолчилиги узоқ тарихга, ажойиб аньаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Кулолчилик хунари лойдан, пиёла, коса, товоқ, кЎза, лаган, хурмача, тоЃора, хум, тандир, буюм, ўйинчоқлар, қурилиш

материаллари ва бошқалар тайёрланадиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан хар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар.

Улар аввал лойдан идиш-товоқлар ясаб, гулхонда қиздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шуғулланганлар.

Кулолчилик чархи милоддан аввалги уч минг йилликни бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш-товоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутаффаккирлар, дяьни Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фирдавси, Рўдакилар етишиб чиқди. Бутун дунёга машхур бўлган меьморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. XIII асрда мўғуллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолди. Оқибатда кулолчилик саньати ривовожига путур кетди.

XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё териториясида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил бўла бошлади.

Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислана борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини ясашдан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар. ХИХ асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Ѓиждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз,
Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бЎлди.

1932 йилда Тошкентда Ўқув ишлаб чиқариш ташкил этилиб у ерда халқ амалий саньати усталари шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. Кулолчилик сир-асрорларини машхур кулоллар ёшларга ситқидилдан ўргатдилар. Булар Риштонлик Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров, Тошкентлик Туроб Миралиев, Шахрисабзлик Рустам

Эгамбердиев, Карим Хазратқулов ва бошқалар эди. Айниқса кулолчилик тадбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, саньатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ саньатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

Риштон Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машхур ва қадимий марказлардан бири. XIX аср охири XX аср бошларида ахолисининг деярли хаммаси кулоллардан иборат эди. Фарғона водийсидаги барча кулолчилик марказлари азалдан Риштон кулолчилик таьсири остида бўлган. Ушбу туманда хар қандай турдаги буюмларни ясаш учун яроқли бўлган, алохида навли кулолчилик мавжудлиги бунга асос бўла олади. Қизғиш-саргиш рангли ажойиб гил Риштоннинг деярли бутун худудида 1-1,5 м чуқурликда қатлам бўлиб жойлашган. Гилнинг яхши сифатлилиги махаллий усталарнинг уни Ўзбекистоннинг бошқа туманларидаги кулоллардан фарқли равишда олдиндан тозалаб бошқа турдаги турпоқларга аралашмаган холда ишлаб чиқаришга жалб қилиш имконини беради. Кулоллар Риштон яқинидаги тоғлардан хар хил бўёқлар, кварсли қум ва оловбардош гилларни қазиб олишган. 1960 йилларда юқорида эслатиб утилган мовий сопол буюмлари ишлаб чиқариладиган аньанавий марказлар бархам топа бошлади. Ана шундай шароитда саньашуносларнинг Бутуниттифоқ конференсияси (Фарғона 1974 йил) қабул қилинган мовий ишқорли сопол идишлари ишлаб чиқариш аньаналарини сақлаб қолиш хакидаги қарори амалий ахамият касб этди. Ушбу қарор усталарга маьқул тушди. Улар олдинги ишлаб чиқаришга қайтиб буюмларни безашнинг аньанавий шакллари ва усулларини қайта тиклай бошладилар. Кейинги 20 йил ичида Риштон сополи аньанавий бадиий ва технологик усуллар асосида яна қайта тикланди. Ишқорли сир тайёрлаш хам юлга қуйилди. Риштон сополчилигининг махаллий бадиий хусусиятлари кўп жихатдан буюмларга нақш берилишида кузга ташланади. 1970-90 йиллардаги гирих безаклар орасида турсимон нақш, ромбсимон нақш, учбурчакли шаклларнинг бир маромда жойлаштирилиши доирасимон шаклларнинг занжир шаклида бир текис берилиши нуқтали нақш қора ва ок квадратчаларнинг навбат билан урин алмашиши шаклидаги нақш эгри ва тугри чизиқлар шаклидаги доирача ва тупбарггул шаклидаги мавхумий геометрик безаклар кўп тарқалди. ўсимликсимон нақшлар айникса турли-туман ва сермазмундир. ўсимлик дунёсига оид мавзуларни талқин қилишда айникса аньанавий белгилар билан бу мавзуларнинг янгича талқинлари нисбатан яққол кузга ташланади.

Хайвонларга оид ва антропоморфик мавзулар Риштон кулолчилигида "парчаси яхлити учун" тамойилига қура тақдим этилган. Унда инсон, хайвонлар ва паррандаларнинг гавдасини айрим унсурлари ёрдамида яхлитлик ғояси акс эттирилади. 1970-1990 йиллар

Риштон кулолчилигининг ривожига қуйидаги тамойилни қайд қилиш мумкин. Риштонлик усталар аньанавий меросни астойдил эьзозлаш билан бирга анча дадиллик ва кесқинлик билан буюмлар шакллари талқини хамда нақшли безаклар характерига узгаришлар киритишяпти. Аньанавий шаклларни ва нақшларни изчиллик билан тўлақонли қилиб қайта тиклаш аньаналарга сўзсиз риоя қилиш урнини якка тартибдаги ижодий ташаббускорлик, янгича усул ва нақшин безаклар турларини кенгайтириш эгаллаб бормоқда.

Фарфор, фаянс ва маёликанинг асосий хом ашёси каолин ҳисобланади. Унинг таркибидаги каолинит, қиздирилганда муллит ва кристобаллит кристалларига айланади. Ундан лой тайёрлашда қайишқоқлигини ошириш учун қиздирганда оқарадиган гил қЎшилади. Қиздириб совутилганда бЎлғуси буюмнинг кичрайиб қолиш даражасини камайтириш учун лойга оқ қум қўшилади. Лойни пишириш ҳароратини пасайтириш учун дала шпати ёки таркиби 75% дала шпати ва 25% қумдан иборат пегматит қЎшилади.

Хом-ашёлар аралашмасидан қорилган лой гипс қолипларига солиниб, устидан ғилдиракча юргизиш натижасида буюм шаклланади. Маёлика буюмлари, фарфор ва фаянс идишларининг бандлари ва жумраклари ҳамда ҳайкалчалар қуйиш усулида ишлаб чиқарилади. Идишлар банди ҳамда жумраги хом-ашёларга сир таркибидаги моддалар, декстрин ёки карбоксиметилселлулоза қўшилган аралашма билан ёпиштиралади, кейин ҲЎл қум солиб пиширилган идишларнинг банди ва жўмраги кўтаришга бардош беришини текшириш лозим. шаклланган буюмлар қуритилиб, 2 марта қиздирилади.

Кулолчилик буюмлар хом-ашёси бўйича 7 турга бўлинади:М
Қаттиқ фарфор. Лойи 40% каолин, 25% кварц қуми, 25% пегматит ва 10% гилда қорилиб шакллантирилгандан кейин 900 ва 1410 селций градусда пиширилади. Ѓоваклиги 0,5% бЎлиб, 2б5 мм гача қалинликдаги девори орқали ёруҒлик шуьласи кЎриниб туради. Ундан тайёрланган т120 та товоқчани 5 кун мобайнида устма-уст қилиб сақлашга бардош беради.
Юмшоқ фарфор. Лойи 25% каолин, 30% кварц қуми ёки суяк кули, 40% пегматит ва 5% гилдан қорилиб шакллантирилгандан кейин 900 ва 1300 селций градусда пиширилади. Буюм юпқа деворли бўлиб ҳамма жойидан ёруғлик шуласи кўриниб туради.
Фаянс. Лойи 2 % каолин, 40% кварц қуми 30 % гил ва 10% пегматит аралашмасидан қорилиб, шакллантирилгандан кейин 1280 ва 1050 градусда пиширилади. Ғоваклилиги 9-

12 % атрофида бўлади. Ундан тайёрланган товоқчаларнинг 100 тасини 5кун мобайнида устма-уст қилиб сақлашга бардош беради.

Ярим фарфор. Қаттиқ фарфордан фарқи хом ашёсига гил каолин ҳисобидан 5% кўпроқ қўшилишида бўлиб , ундан умумий овқатланиш корхоналарида ишлатиладиган қалин деворлои идишлар тайёрланади. Пиширилиши фаянсники каби. Қалинлиги учун идиш ювиш машиналарида ювишга чидамли бўлади. Ғоваклилиги 5-8% атрофида.

Маёлика буюмлари. Лойи 15% каолин, 25% оддий гел ва 30% дан кварц қуми билан нефелин, ёки кварц дала шрати ва слюдадан иборат пермит аралашмасидан қорилиб, шакллантирилгандан кейин 2 марта 900 градусда пиширилади. Ғоваклилиги 15% бЎлади.
Оловбардош сопол. Лойи 30% оддий гил, 45% пермит 25 % нефелин ёки силлиманит аралашмасидан қорилиб, шаклланганидан кейин бир марта 900 градусда пиширилади. Ундан тайёрланган хумчада овқат пишириш мумкин.

Оддий сопол. Лойи 85% оддий гил ва 15% кварц қуми аралашмасидан қорилиб, шаклланганидан кейин 1 марта 900 градусда пиширилади. Ундан товоқ, коса, кЎза, гул туваги, ёдгорликлар ва бошқа буюмлар тайёрланади.

Буюмлар 1-қиздиришдан кейин сирланади. Фарфорнинг сири 31% кварц қуми, 34% пегматит, 14% доломит, 16% фархор сиғими ва 5% каолин аралашмасидан тайёрланади. Фаянс ва маёлика сири 26% кварц қуми, 19% дала шпати, 12% дан стронций карбонати ва буюм синиқлари, 11% бура, 9% сода, 8% каолин ва 3% бўр аралашмасидан тайёрланади. Маёлика буюмлари одатда рангли сир билан қопланади. Сир таркибига қўрғошин антимонати қўшилса сариқ, фром оксиди яшил, кобалт оксидида кўк, темир оксидида жигар ранг ва ҳаммасининг аралашмалари қўшилса бошқа ранглар ҳосил бўлади. Озиқ-овқат идишлари сирига қўрғошин оксиди қўшилмайди.

Фарфор сири таркибида 2-3 валентли метал оксидлар кўплиги учун у саккиз марта 100-180 градусгача қиздирилиб, 16 градусдаги сувга ботирилса ҳам ёрилмайди. Фаянс сири 7 марта 100-120 градусда ва 16 градус оралиғидаги ҳарорат ўзгаришларига чидам беради. Маёлика сири фақат 4 марта 100-160 градус оралиқдаги иссиқлик ўзгаришига чидайди. Сопол ёдгорликларининг сири 30% кварц қуми, 36% дала шпати, 17% чинни синиқлари, 12% голомит ва 5% каолин аралашмаларидан тайёрланади. Сирга ранг бериш учун рангли шишалар учун ёки лантаноидлар оксидлари қўшилади. Бошқа сопол буюмларининг сири

60% гил, 10% каолин, 20% кварц қуми, 10% металл оксидларидан иборат рангли ангобдан олинади. Металл оксидларидан кобалт кўк, хром ва мис яшил, темир жигар ранг ҳамда марганец сариқ ранг беради. Фарфор буюмлари сирлангандан кейин 2- қиздиришда печларга қолипсиз жойлаштирилади. Шунинг учун тайёр буюмлар тагининг қирралик қисми сирланмаган бўлади.

## Кулолчиликда ишлатиладига материаллар.

Хар бир хунарни узига хос машаккатли ва узига хос сир-асрорлари булади. Кадимдан ота-боболаримиз бадиий кулолчилик сирларини ва тажрибаларини факат шогирдларига ургатиб узга болаларга ургатмаганлар. Ота боболаримиз асрлар мобайнида кулолчилик сир-асрорларини урганиб, хар бир махсулотни айникса сифатига, бадиийлигича, фойдаланиш кулайлигига ва унинг умр бокийлигига алохида эътибор бериб келганлар. Шунинг учун улар тайёрлаган оддий сопол пиёласидан тортиб шарк меъморчилигини безаб турган каминларнинг умр бокийлиги дунё ахлини лол колдирмокда. Ха бунга эришиш учун ота боболаримиз юкори сифатли гоят чидамли хамда давр синовларидан утган материаллардан кенг фойдаланиб келганлар. Утмишда тупрокдан, корачирок, шамдон, сархона, жамашов, хум хамда овкат пишириладиган сопол

идишлар тайёрланган, кейинги вактга келиб буларга эхтиёж колмаганлиги учун улар йуколиб бормокда. Хозир товок, гулдон, лаган, пиёла, тандир ва бошкалар куп ишлаб чикарилмокда. Кулолчиикда асосий хом ашё тупрокдир.

Тупрокларнинг сог тупрок, кора тупрок, кукимтир, кизил лойкор турлари булади.

_Кулолчиликда ишлатиладиган лой узининг хусусияти ва ишлатиладига буюмига караб бир неча гурухларга булинади:

_Лойи гулдон .- серширали лой, бу лойдан жуда нозик гулдонлар ясалади. У эластик хусусиятга эга булиб, жуша лойи кушилган булади.

_Чинни лой ёки ок лой .- яримфоянс булиб, корамтир лой, ок тош ва ишкор кушилиб тайёрланади. Бу лойдан коса, пиёла, лаган ва бошкалар тайёрланади.

_Кесма кошин лой .- утга чидамли корамтир лойдан, яъни чилватага ок тош ёки ок кум кушиб тайёрланади. Ундан хар хил мозаикали кошинлар тайёрланади.

_Кошин лой . - ширачли лойдан кварс куми кушиб ундан хар хил кошинлар тайёрланади.

_Кесагар лой .- патлой ёки товок лой деб хам юритилади. Бу лой сог тупрокка камиш козгогини аралаштириб тайёрланади.Ундан ясси юзали идишлар тайёланади.

_Кузагар лой . - 60-70% пластик ёгли лой ва 30-40% сог тупрокдан иборат булади. Ундан хум, гулдон, куза ва бошкалар тайёрланади. Кулолчиликда шамод, гилвата, буёклар, ангоб, чарх, муйкалам, мола, катта мола, кичкина мола, колип, пангор калам, кожкорд, тарок, таги калам, гужмок, туппа ва бошкалар ишлатилади.

Кулолчиликда лойни усталар хар хил технологияда тайёрлайдилар.Махсус тупрокдан лой килиниб уни тепиб, муштлаб пишитилади.

Лойни нам матога лой тайёрлайдиган хона булиб уйни ички кисмидан ховузга ухшаш унча чукур булмаган жой булган.Бу ховуз пишик гиштдан тушалади.

Лойни хар куни, яъни 20 кунгача сув сепиб пиширилади ва нам шолчани устига йопиб куйилган. Кераклигича лойни тепиб, муштлаб пиширилади. Лойни юлиб олиб стол устига уриб-уриб пиширилади, шунда лой ичида тупланиб колган хаво йуколади. Агар лойда хаво колиб кетса, идишни печкада пиширганда уша бушлик яна катталашиб идиш тешик булиб колиши мумкин. Шунинг учун канча куп лойни пиширилса, шунча сифатли махсулот олинади. Кулолчилик чархида идишлар тайёрланади. Чарх асосий курол булиб, у катта ва кичик ёгоч гилдиракдан иборат булади. Ёгоч ук билан бирлаштирилади.

Кулол чархининг пастдаги гилдирагини оёги билан айлантириб туради. Юкоридаги гилдиракка лой куйиб ундан идиш тайёрлайди. Тайёрланган идишлар яхшилаб куритилади. Чунки, яхшилаб куритилмаса кейин печда ёрилиб кетиши мумкин. Куритилган идишларни хумда киздирилади. Сирланадиган идишлар сирланади яна

хумдонда киздирилади. Кадимдан кулоллар маълум идиш ёки буюм буйича ихтисослашган булади.

Масалан, косагар, тандирчи, кузагар ва бошкалар деб юритилади. **Хоразм** бадиий кулол усталари кадимда узига хос технологияга эга булганлар. Улар кошин, бадия хум ва бошка кулолчилик махсулотлари устига бериладиган сирни тайёрлаш учун ёзнииг жазирама иссик ойларида кухна Урганч томонларидаги кум этакларига чикиб хафталаб чогон усимлигини туплаб уни ёкиб, кулини олиб келганлар. Хозир бу ут жуда камайиб кетган. Бу усимликдан ташкари кора урокдан хам фойдаланган. Сентябрь ойларида кора урок айни ширачга тулган вактида факат яшил патини ёкиб кулидан ишкор тайёрлаганлар. Устахонага олиб келтирилган чогон ва кора урокка кум аралаштириб кулни намлаб чувала килинади вахумбузга куйилади.

_Кора ранг .- кора ранг 15% гилвата, марганец оксиди ва кургошин сирларини кушиб тайёрланади.

_Сарик ранг . - ёнган темир соп ёки майда темир кукуни мис козонга солинади ва унга гилвата кургошин сири хамда сув солиб эзгилаб тайёрланади.

_Хаво ранг - ложувард, ок тош ёки ок кум ва гилватага кушиб тайрланади. Хамда уни юкори даража иссикликда киздирилади. Натижада у тошга айланиб колади. Кейин эса иккинчи марта хумбузнинг токчасига куйилади.

Юкори даражада киздириш натижасида у пастки охирга ока башлайди ва у оппок рангга утган булса тайёр булгани. Агар у корамтир тусда булса, шу жараён яна кайтадан давом эттирилади.

Хосил булган тошсимон ишкорни тегирмонда ун холига келтириб майдаланади. Бу ишкор унига янги бугдой унидан атала пишириб козонда кориштирилади. Козонга сув солиниб буглаб суюклик холига келтирилади. Хосил булган хом ашё табиий ишкор сири деб айтилади. Табиий ишкор сиридан тайёрланган сопол махсулот юзига чумич билан берилади. Печда бу сир 1000-1200 даража иссикликда лойга шундай киришиб кетадики у иссикликка хам, совукда хам уз хусусиятини йукотмайдиган булиб колади. Кулолчиликка хос буёклар тайёрлаш хам узига хос технологияга эга.

_Ок ранг . - бу ранг ок тупрок гилвата ва 11% гача октошни майда кумини кушиб тайёрланади. Уни аралаштириб атала холда тайёрлаб буюм юзига текис сурилади ва кейин накш чизилади.

_Яшил ранг . - мис куюндиси кукуни кургошин ир ва утга чидамли тупрок яъни гилвата кушиб тайёрланади. Мис кукуни аввал кизгиш рангда булади, хумбазда пиширилганда яшил рангга айланади.

Кулолчилик санъатининг тарихий ривожи. Кулолчилик манбалари.

Тупрок инсонларнинг барча эхтиёжини уз зиммасига олган фаровонлик, тукинлик, ризк-руз, гузалликнинг энг оддий куриниш санъатининг заминидир. Кулолчилик билан дунёдаги барча халклар шугулланади. Улар узига хос томонлари билан бир-биридан фарк килади. Узбек кулолчилиги узок тарихга ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва узига хос услубга эга. Сопол буюмлари содда булса-да унинг куриниши кисмларининг аниклиги, мутаносиблиги сакланиши, накшларининг бадиий жойланиши, шакл ва мазмунининг бирлиги, уйгунлиги узбек кулолларини жахонга танитиб келмокда.

Кулолчилик хунари лойдан пиёла коса, товок, куза, лаган, хурмача, тогора, хум, тандир, буюм, уйинчоклар, курилиш материаллари ва бошкалар тайёрланадиган соха булиб, у узок тарихга эга. Махсус тупрокни ута киздирганда тошсимон булиб пишишини, ундан хар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда кадимдан Неолит даврининг

бошларидаёк билганлар. Улар аввал лойдан идиш-товоклар ясаб, гулханда киздириб пиширганлар. Тупрок жахоннинг хамма ерларида булгани учун кулолчилик кенг таркалган булиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шугулланганлар.

Кулолчилик чархи милоддан аввалги 3-минг йилликнинг бошларида ихтиро килингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шугуллана бошлаганлар. Кейинчалик чойдон ясалган идиш-товокларни махсус учок хамда хумдонларда пиширганлар. Неолит даврида идишларни таги учли килиб тайёрланиб ерга санчиб куйилган. Энолит даврида эса Шарк мамлакатларида хамда кадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлар ривож этган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошланган.

VII - XII асрларда кулолчилик Урта Осиёда яхши ривожланган.

Буни Афрасиёбда ва Урта Осиёнинг бошка ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди.Уша даврда Урта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Янги кутарилиш даври булди. XI-II асрда мугуллар боскинчилиги окибатида Бухоро, Самарканд, Урганч, Мавр, Балх ёнгин остида колди.

Окибатда кулолчилик санъати ривожига путр кетди. XIV асрдан бошлаб Урта Осиё территориясида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. Амир Темур халк амалий санъатини ривожлантиришда жуда катта хизмат килди.

Босиб олинган жойлардан усталарни олиб келиб улар учун расталар очтирди.

Машхур нафис, гузал бинолар, касрлар, саройлар курдирди. Темурийлар хонлиги кучсизлангандан кейин Бухоро, Кукон, Хива хонликлари пайдо булди.

Шунинг учун хам кулолчилик турли ерларда турлича ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил була бошлади. Урта Осиё сувга булган тез суръатлар билан ишлаб чикаришга эхтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислашиб борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини ясашдан ташкари уларни юксак дид билан безай бошладилар.

XIX асрда арзон бахо чинни ишлаб чикарилиши ва Россиядан чинни идишларни куплаб олиб келтирилиши Урта Осиё территориясида сопол буюмлар ишлашни бир мунча пасайтириб юборди. Лекин арзон сопол идишларни меъморчиликда кенг фойдаланиши кулолчиликнинг ривожланишига тускинлик кила олмади.

XIX асрда Урта Осиёда тожик ва узбек халклари уртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Гиждувон, панжикент, Самарканд, Шахрисабз, Тошкент Риштонда кулолчилик марказлари пайдо булди.

У сопол идишларини сирлаб безатишнинг узига хос услубларини вужудга келтирдилар.

Кулолчилик усталари риштонлик Узок Шерматов, холмат Юнусов, гиждувонлик Мухаммад Сиддик, Усмон Умаров, тошкентлик Туроб Марашев, Шахрисабзлик Рустам Эгамбердиев, Карим Хазраткулов ва бошкалар.

Хоразм кулолчилик санъатига катта хисса кушган усталардан бири Раимберди Матжановдир. Р.Матжанов Хоразм бадиий кулолчилик мактаби Узбекистон амалий безак санъатида алохида урин тутади.

Кулолчилик мактби Тошкент, Андижон, Фаргона, Самарканд, Бухоро ва бошка шахарлар кулолчилик мактабларидан узига хос ясаш услуби, технологияси, накш композициялари эстетик таърифчанлиги билан алохида урин тутади.

Раимберди Матжанов Хоразмнингкадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир кишлогида 1909 йили кулолчилар оиласида дун`га келди. Уша даврда Мадир кишлогида ун беш кулолчилик устахонаси булиб, уларда саксондан ортик кулоллар ишлар эди. Кошин пиширишда уша даврда ном козонган усталар Уста Болта, Матризаев, Болта Ваисов, Матжон Кулматовлар бор эди. Матжон кулолнинг угли Раимберди уз отасидан кулолчилик сир асрорларини ургана бошлади. У аввал лойдан хар хил уйинчоклар, шакллар ясаган булса, кейинчалик ихчам бодил, кошинни урганди.

Кулолчилик сир-асрорларини олти йил деганда урганиб, Эшим кулолнинг ок фотихасини олди.Узи мутакил идиш ва кошинлар ижод кила бошлади.

1930 йил Р.Матжанов кооператив артелига ишга кириб кулолчилик ишларини давом эттирди. Уша даврлар кулоллар жуда камайиб кетган эди. Унинг огир ишларига турмуш уртоги ёрдам берарди.

Уста наккошлик сир-асрорларини мукаммал урганди. У шу урганган накшларини кулоллик буюмларига интилиб,XIX-XX аср Хива кошинкорлик анъаналарини бойитадиган буюмларни яратди. Кулол ишлаб чикараётган буюмларга хам кошинда хам уч хил ок, яшил, ложувард ранглардан фойдаланди. У рангларни тайёрлаш технологиясини хам жуда яхши билар эди. Идиш тайёрлангандан сунг кулда ва штамп ёрдамида накш чизилади, унга сир берилиб офтобда куритилиб печда киздирилади. Уста сирни узи тайёрларди. Коракумга бориб, чогон ёки кирчоп йигиб дархол уша жойда ёкиб кумни устахонага

олиб келиб майдаланган шиша унига кушади, яъни уч кисм кулга бир кисм шиша кукуни кушилади. Уни бирор идишда сув билан аралаштириб тайёрланган бодияга суртилади. Кейин бодияни утда пиширишда уша юмшок суюклик утга ташланади. У утда бодияга урилиб һанггини узгартиради. Уша кум парошогини сув билан аралаштириб, совитилади хамда тозаланади, сунгра бодия сиртида суркайди.

Кулол Р.Матжонов шу технология асосида лойдан хум, куза, тогора, чанок, чойнак, пиёла, бодия ва бошка буюмлар тайёрлади.

Халкимиз "шогирдсиз уста мевасиз дарахт" деб бежиз айтмаган. Устани Хоразм сермева дарахтга ухшатишади, чунки жуда куп шогирдлар етиштириб чикарди. Узбекистон халк усталари бирлашмаси Р.Матжанов устахонасида хунармандчилик мактаби очтириб, у ерда хунармандчилик сир-асрорларини ургатди. Унинг шогирдлари Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, марямжон Матжанова, Мукаррама Саъдуллаевалар хозир бадиий кулолчилик санъатини ривожлантиришда катта хисса кушмокдалар.

Тарихий обидаларни таъмирлашда уста кулолнинг хизмати катта. 1956 йили Хивадаги Пахлавон Махмуд макбарисини таъмирлашда катнашди.

Кулол яна кухна арк дарвозасининг икки минорасини ва бошка меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда катнашди.

## Тарихий лавҳа

Ҳозирги Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилояти қадимги Сўғд воҳасининг унумдор деҳқончилик ҳудудини эгаллаган бЎлиб, қадимда ўз сувларини Амударёга қуювчи Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари оралиғида, Мовароуннаҳрнинг қоқ марказида жойлашган. Мовароуннаҳрнинг барча тарихий ривожланиш босқичлари ушбу вилоят билан чамбарчас боғлиқдир. Китоб ва Шаҳрисабзда жойлашган қадимги шаҳарларда олиб борилган қазиш ишлари давомида археологлар томонидан топилган хилма хил моддий бойликлар ва тангалар силсиласи антик Суғдиёнага хос бўлган бой маданиятдан далолат беради. Антик даврдан кейинги илк асрлардаги мустақил давлатлар ҳисобланмиш Китоб, Заҳоки Марон ва Қарши яқинидаги Ерқўрғон шаҳарлари тарихий қатламларда ёрқин из қолдирган. Янги эранинг V асрида келиб эса антик шаҳарларнинг таназзулга юз тутиши кузатилади. IV- VII асрларда бирин-кетин илк феодалларнинг мустаҳкам қальалари пайдо бўла бошлади. (Муддинтепа, Шўртепа, Шулликтўпа ва бошқалар шулар жумласидандир).

Археологик қазишмалар мобайнида IV-VII асрларда мавжуд бўлган Каджартепа, Тоғайтепа, Кўҳнафазли шаҳарчаларининг қолдиқлари топилди. Шу вақтда Кеш вилояти (Китоб ва Шаҳрисабз) ва Нахшаб (ҳозирги Қарши шаҳри) Турк ҳоқонлиги давлатининг тўққиз федерацияси таркибига кирарди. Улар мухторият ҳисобланар ҳамда Самарқандда ҳукмронлик қилувчи ҳоқонга ҳирож тўларди.

Ўша вақтдаги шаҳарларда лойдан қурилган қалин деворлар, уларда қўриқлаш учун баланд рниноралар ва мустаҳкам дарвозалар, баьзи шаҳар дарвозаларида эса мустаҳкам қулфлар мавжуд эди. Шаҳар ҳудуди гавжум аҳоли яшайдиган ижтимоий-маданий марказ ҳисобланарди.

VIII аср бошларида Кеш ва Шаҳрисабз вилоятларига араблар ҳужуми бошланган, ушбу вилоятлар аҳолиси эса уларга қаттиқ қаршилик кўрсатган эди. Аммо шунга қара- май, араблар 729 йилда Кешни катта жанг билан олишга муваффақ бЎлдилар; 783-786 йилларда Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари Муқанна бошчилигидаги Суғдийларнинг халқ-озодлик ҳаракати майдонига айланди. IX асрдан бошлаб то XIII асргача бўлган даврда, дастлаб маҳаллий Сомонийларнинг, сўнгра эса турк Қорахонийларининг Ўзаро шиддатли феодал урушлари давом этишига қарамай, вилоятда халқ хўжалигининг ўсиши кузатилади. Айнан ана шу даврда қўшни вилоятларда, хусусан, Қашқадарёда ажойиб ёдгорликлар барпо этилди; жадал равишда ибодатхона иморатлари ҳамда фуқаролар яшайдиган бинолар қурилди. Бу даврни ҳақли равишда монохром декор рельефли (фигурали ғишт, кесилган терракота, кесилган буюм) пиширилган ғиштлардан фойдаланилган юқори тараққий этган архитектура даври дейиш мумкин.

X-XI асрларда Фудин, Касби, Қовеҳин ҳамда бошқа қишлоқларда некрополлар вужудга келди ва улар XIV-XVI - XIX асрларгача мавжуд бўлди.

XIII бошларида Қашқадарё воҳасига Чингизхон қўшинлари бостириб кириши натижасида воҳа аҳолиси улкан вайронагарчиликлар келтирган хужумларни бошидан кечирди. 1220 йилда Чингизхон қўшинлари Ўзларининг биринчи ёзини Насаф атрофларида ўтказади. Чингизхон вафотидан сўнг Қашқадарё воҳаси Чингизхоннинг ўғли Чиғатойга тсгади. Чиғатой улусининг бўлиниши натижасида 1251 йилда воҳа Ботунинг қўлига ўтади. 1266 йили Еттисув, Ҳи дарёси бўйларидан Ўтроқ унумли деҳқончилик ҳудудлари бўлган Кеш ва Насафга ислом динини қабул қилган жалоир ва барлос уруғлари келиб, бу ерда Ўтроқлашди. Кеш атрофига келиб Ўтроқлашган барлос уруғидан кейинчалик машҳур давлат арбоби ва саркарда Амир Темур (1336- !405 УУ -) етишиб чиқди. У ҳозирги кунга қадар номи сақланиб қолган Хўжа Илғор қишлоғида туғилган.

Ўтроқлашув ва маҳаллий халқ билан маданий алоқалар тарафдори бўлган хонлардан бири Чиғатой уруғидан Кебакхон (1318-1326 й.) ҳисобланади. У мамлакат иқтисодий ўсишига

катта туртки бўлган пул ва маьмурий ислоҳотларни ўтказади. лининг даврида Шуллуктепада эски Насаф ўрнига турк тилида "сарой" деган маьнони билдирган
янги пойтахт - Қарши барпо этилди. Кебакхон сиёсатини 1346-1358 йилларда Қозонхон давом эттирди.

XIV асрнинг 60-йиллари бошларида Қашқадарё вилоятини бошқариш Амир Темур қолига отди. Мовароуннаҳр тахти учун бўлган курашларда XIV асрнинг 60- 70 йилларида Қашқадарё воҳаси бир неча маротаба харбий кучларни йиғиш майдони сифатида хизмат қилди. (1364 йил Қарши қальаси қурилиши, 1366 йилда Қаршида қишлаш, 1370 йилда Кешда қишлаш). 1370 йилда пой- тахтни Самарқандга кўчиргандан кейин ҳам Амир Темур вилоятнинг бош шаҳри ҳисобланган Шаҳрисабзни эьтибордан четда қолдирмади. Аксинча, у барлос қабиласи зодагонлари қабристони атрофида бир неча ансамбллар қурилишини давом эттирди. Айнан шу ерда Амир Темурнинг Марказий Осиёда биринчи йирик саройларидан бўлган Оқсарой, Дорут-тиловат мадрасаси, Доруссаодат мавзолей-мажмуаси қурилди.

Амир Темур томонидан кўплаб карвон ёьллари, кўприклар, карвонсаройлар работ ва сув сақланадиган сардобалар қурилганлиги тўғрисидаги ривоятлар тилдан тилга кўчиб бизнинг давримизгача этиб келди.

Мовароуннаҳр ҳукмдорларининг Қашқадарё вилоятига қизиқиши шу билан изоҳланадики, стратегик муҳира ҳисобланган чўл йўллари Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқандни Керки, Балх, Ҳирот, Халиф, Термиз, Чоржўй билан боғлайди. Шу билан бирга бу эрда табиий серҳосил тупроқли ҳудуд мавжуд бўлиб, у Амударё суви билан ювилади. тоғлари эса минерал ресурсларга жуда бойдир.

1574 йилдаа Қарши ва Хисорга туташ ҳудудлар Абдуллахон II томонидан асос солинган Бухоро хонлиги таркибига кирди. XVI аср охирларига келиб, воҳада қурилиш фаолияти яна жонланди. Натижада бир Қарши ва унинг атрофларида қатор ёдгорликлар, шу жумладан Абдуллахоннинг ёзги дам олиш саройлари қурилди. Ривоятларга қараганда. Абдуллахон томонидан воҳадаги карвон йўлларида 1001 та қурилиш ишлари амалга оширилган. Бу даврда Қарши шаҳрининг тижорат маркази сифатидаги нуфузи ошди. Бухоро тахтига асли келиб чиқиши Қарши воҳасидан бўлган Манғитлар сулоласининг келиши билан эса Қарши шаҳри стратегик муҳимлиги жиҳатидан хонликдаги иккинчи шаҳарга айланди (XVI-асрда). Аштархонийлар даврида Қарши шаҳар аҳолиси асосан Бухоро хонлигини ҳимоя қилиш билан шуғулланди. Қарши Бухоро хонлигига кучли таьсир кўрсатди. Шу боис бу эрда кўплаб маданий обидаларнинг қурилиши авж олди.

Мураккаб тарихий даврга қарамай, Ўрта асрларда Қашқадарё вилоятида архитек тура тенгсиз ривожланди. Қарши туманида мўғулларга ва Темургача бЎлган давр (XI-XII - XIВ

аср бошлари), ва ундан кейинги даврда (XIВ аср) сақланиб қолган ёдгорликлар Бухоро меьморчилик мактабига мансубдир. Шаҳрисабзда олиб борилган қурилишлар эса Амир Темур ва темурийлар давридаги архитектуранинг равнақи билан боғлиқ ва Самарқанд мактабига яқин. Доимий қўллаб-кувватланган диний ёдгорликлар, табиийки, фуқаролар яшаган иншоотларига нисбатан анча яхши сақланган. Муайян тарихий шароитлар натижасида вужудга келган барслиа архитектура ёдгорликлари Марказий Осиё меьморларининг моҳирона саньатидан, халқнинг ниҳоятда чуқур ақл-заковатидан далолат беради.

Қарши воҳаси қадимги ва ўрта асрларда Наҳшаб номи билан машҳур бЎлиб, у Қашқадарё дарёсининг континентал делтаси зонасида жойлашган эди. Бу жой қадимий шарқона деҳқончилик билан шуғулланиш учун жуда қулай ҳудуд ҳисобланган. шунга қарамай, энеолит ва бронза даврларига оид бўлган илк деҳқончилик маданияти билан боғлиқ ёдгорликлар ҳалигача маьлум эмас. Аксинча, қўшни минтақаларда, Бақтрия, Марв ва Зарафшоннинг юқори оқимида энеолит ва бронза даврига оид маданият ўчоқлари маьлум. Наҳшабда бу даврга оид маданият ўчоқлари ўз вақтида мавжуд бўлган, бироқ улар Қашқадарё дарёсининг аграр-суғориш ишлари натижасида катта қатлам билан кўмилиб кетган. Еркўрғон, Муддинтепа ва бошқа шу каби ҳудудлардаги археологик қазишмалар шуни кўрсатмокдаки, эрамизгача бўлган маданий қатламлар ҳозирги кундаги қатламдан бир неча метр чуқурда жойлашган. Бинобарин, энеолит ва бронза даврига оид қатламлар ушбу воҳада мавжуд бўлган ва улар янада чуқурроқда жойлашган деган илмий тахминлар мавжуд.

Бизга маьлум бўлган Қарши воҳасининг тарихи илк темир асрларидан бошланади. Бу даврда II аср охири ва I аср бошларида Ўрта Осиё тарих саҳнасида янги этномаданий жараён бошланади. Чўл ҳудудларида қорасуқ қабиласининг маданий аньаналарига риоя этувчилар тарқалади, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё дарёларининг юқори ва қуйи ҳудудларида қадимги ва ўрта асрлардан маьлум бўлган Ўрта Осиёнинг асосий тарихий-маданий жараёнлари шаклланди. Бу даврда Бақтрия, Марв, Сўғд, Хоразм ва Марказий Осиёнинг бошқа қадимги этно маданий топонимлари шаклланди. Йирик деҳ қончилик Мвоҳалари ривожланди ва уларнинг мар казий ҳудудлари ҳимоя деворлари билан ўралди.

Эрамиздан аввалги I минг йилликка оид сопол буюмлари жанубдан шимолгача кенг тарқалган эди. Қашқадарё воҳаси кулолчилик буюмлари Бактрия услубида бажарилган. Самарқанддаги Афросиёб ва Кўктепа сўнгги йилларда олиб борилган археологик қазишмалар давомида эса, бу эрда Бурғулиқ услубидаги Сирдарёнинг ўнг қирғоғи маданиятига яқин кулолчилик буюмлари мажмуаси топилди. Илк темир асрларига оид

Наҳшаб ва Қарши воҳасида топилган қадимги буюмлар Еркўрғон шаҳрининг ички қатламидан топилди. Бу даврга оид оз миқдорда топилган идишлар орасида қизил фонга қўл билан ёзилган ва идишларни сувда ювса ювилиб кетадиган ёрқин фонга қизил бўёқ билан ёзилган безаклар мавжуд.

Шундай қилиб, Сўғднинг илк темир мада нияти келиб чиқиши, Искандар Зулқарнайн даврида Амударёдан Сирдарёгача мердионал йўналишда тарқалган бўлиб, гетероген ривожланиш хусусиятига эга. Сўғднинг илк воҳа ва шаҳарлари барпо этилиши даврида Искандаргача ярим минг йил аввал Зарафшон воҳасидаги шаҳар типидаги қадимги маданият Ўчоқлари Сирдарёнинг ўрта оқими билан боғлиқ эди. Бу эса Қашқадарё воҳасининг моддий маданияти ўрта ва юқори оқимдаги Бақтрия ва Марвнинг илк ша ҳар маданиятлари билан генетик боғланганлигидан далолат беради.

Қарши воҳасининг илк пойтахти ҳозирги Еркўрғон шаҳри ҳудудларида жойлашган бўлиб, ҳозирги Шайхали бекати ҳудудида замонавий Қарши шаҳри маьмурий ҳудудининг шимолий чегараларидан бир ярим километр узоқликда жойлашган.

Еркўрғоннинг ҳудуди ички ва ташқи деворлари чегарасида эски шаҳар харобаларидан иборат бЎлган турли хил катталикдаги баландликлар билан ўралган. Энг катта баландлик ҳукмдор қасри эканлиги маьлум бўлди.

Қашқадарёда санъат ва ҳунармандчилик ривожи

Қашқадарё маданияти ва саньати ривожида қатор омиллар, энг аввало, бу ҳудуд ландшафтининг ҳилма-хиллиги ва ўзига хослиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бЎлган. Маьлумки, Қашқадарё ҳудудида сугориладиган ва лалми деҳқончиликка мос бепоён далалар, чорвачилик ривожланишига қулай даштлар кўп. Бу ҳолат маҳаллий саньат табиатига бевосита таьсир кўрсатган - унда ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи кабилалар маданияти анъаналари учрайди. Воҳада турли хом ашё ва фойдали қазилма конлари мавжудлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Яна бир омил воҳада шаҳарсозликнинг юксак даражада ривожлангани билан боғлиқ. Вилоят ҳудудида шаҳар маданияти аньаналари йусинида ривожланган йирик ахоли пунктлари (Кеш, Насаф, Хусар (Ғузор), Субаҳ, Невакет, Сангардак, Кесба (Касби), Пазда (Олтинтепа), айни пайтда кўплаб қишлоқлар (Мунчоқтепа, Дагайтепа каби) вужудга келган. Ниҳоят, яна бир омил  Қашқадарё воҳаси шаҳарларининг Ўрта Осиёнинг муҳим савдо йўлларидаги транзит пунктлари вазифасини ўтаганидир. Бу шаҳарлар саньат ва ҳунармандчиликнинг йирик марказлари билан доимий маданий алоқада бўлган, турли таьсирларни Ўзига сингдирган, янги ғояларни ўзлаштирган. Бутун Ўрта Осиё минтақаси саньати ва ҳунармандлиги ривожида IX асрдан XIII асрнинг бошларигача бўлган давр янги босқич бўлган. Бу ҳол ислом динининг қарор топиши, бу динни қабул қилган Шарқ мамлакатлари бадиий маданиятини ўзгартириб юборган эстетик тафаккур билан боғлиқ. Ислом дини таьсири остида тасвирийлик ўрнини нақшлар эгаллаган, асосий эьтибор буюмни безашга қаратилган; бадиий маданиятнинг ташқи кўриниши ҳам ўзгаришга учраган жонли нарсаларни тасвирлашни тақиқловчи диний қарашлар билан боғлиқ равишда терракота ва деворий тасвирлар деярли бутунлай ғойиб бўлган.Бу давр маданияти биринчи навбатда сопол идишларда яккол акс этган.

Қашқадарёда ясалган кулолчилик идишлари бутун Ўрта Осиё ҳудудига хос бЎлган сирланган, сирланмаган ва колипланган идиштовоклардир. Айни пайтда уларнинг безаги, геометрик, ўсимлик ва жонзотларга оид накшлари бадиий безашнинг Ўзига хос маҳаллий хусусиятларидан далолат беради. Кулолчиликда сирларнинг қўлланиши IX асрга тўғри келади. Янги технология идиш-товоқларни безаш имкониятларини жиддий равишда

кенгайтирган. Сирланган идишлар безакларининг куйидаги асосий гурухлари аниқланган геометрик, ўсимликларга хос, жонзотларга хос, ола-була нақш, тирналган чизма, шунингдек, ушбу нақшларнинг биргаликда қўлланиши. IX асрда лаганлар композициясининг асосий кўриниши лаган юзасини тўрт-олтита тенг бўлакка бўлувчи нақшлардан иборат бўлган. X асрга келиб идишнинг ўртаси ёки чеккасига ишланган расмлар кўпроқ учрайди. Буюмларда кенг ишлатиладиган нақш турларига геометрик шакллар киради. MX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ислом санъатига хос бЎлган мавҳум ўсимлик тасвирлари ўрнини аниқ хаётий тасвирлар эгаллай бошлайди, масалан, лола, палма барги ва чирмовуқ гул. Тақлидий шакллардан натурал, табиий шаклларга ўтиш халқ маданиятига хос хусусиятдир. Айни пайтда жонзотларга оид тасвирлар ҳам оммалашади, буни биз X асрнинг иккинчи ярми ва XI аср кулолчилиги мисолида кўришимиз мумкин: лаган ўртасидаги куш ёки қушлар парвозини ўзига хос услуб ва шаклда берилгани шунинг далолатидир. Антропоморфлашган тасвир  инсон юзи тасвирланган фрагмент (X аср) ҳам маьлум. Қашқадарё кулолчилиги колорити яшил, сариқ, кизғиш-қора рангларнинг оч бинафша рангли фон устида бирлашувига асосланган: сирланган идиш-товоқлар ишлана бошланган  пайтга хос кулолчилик намуналари орасида айнан оч бинафша тусли фон Қашқадарё кулолчилигини сўғд, хоразм ва шош кулолчилик мактабларидан ажратиб турган. Айни пайтда фируза безакли, шунингдек, тўқ яшил рангли сир билан қопланган идишлар қам кенг тарқалган (кўзалар, силиндрсимон идишлар).

X асрнинг охири - XI асрнинг бошида кулолчилик идишлари турлари кенгайиб борган. Энг кўп тарқалган буюмлар бу ясси таглиги бор, деворлари думалоқ жомлар, ости конус ёки ярим думалоқ шаклдаги кадаҳлар, шунингдек, ён деворлари кескин қайрилган идишлар бўлган. Оч рангдаги фонли идишлар билан бир қаторда қизил ва қора фонли идишлар ҳам пайдо бЎлган. XI асрда ранглар гаммаси ўзгаради, қизил ранг жигаррангга алмашади. IX асрдаги ва XIII аср бошларидаги кулолчиликка хос хусусиятлардан бири эпиграфикадан фойдаланишдир. Эпиграфик безакнинг кенг тарқалиши ёзувнинг мусулмон маданиятида муқаддас деб ҳисоблангани, Қурьонни ва илоҳий тушунчаларни эслатиши билан изоҳланади. Куфийда битилган ёзувлар Қашқадарё кулолчилигида IX асрдан кўзга ташлана бошлаган. Улар одатда идиш четларига, оч рангли фон устига тўқ рангли бўёқ билан битилган. Кейинчалик ёзувга ўхшаш тасвирлар пайдо бўлади ва улар фақат нақш вазифасини бажаради. Бу тасвирлардаги айрим ҳарфларни фарқлаш мумкин, бироқ уларда ёзув бутунлай бузилган кўринишга эга. Бундай ўзгаришлар шундан далолат берадики, барча усталар ҳам араб тили ва арабча ёзувдан хабардор бўлмаган. XII аср охирига келиб, ўқиш мумкин бўлган ёзувлардан фақат "барака" ва кенг расм бўлган

"аломин" (тинчлик, эминлик) деган сўзлар сақланиб колган. Қашқадарё кулолчилигига оид топилмаларнинг асосий қисмини сирланмаган идишлар ташкил этади. Булар - хум, кўза, нақшли йирик тоғора, хонтахта-дастурхон, қозон, ўчоқ таглиги каби буюмлардан иборат. Қолип сопол идишларга келсак, улар шимолий Хуросон аньаналари таьсири остида юзага келган бўлиши дмумкин. Чунки қолип ва идишларнинг кўплаб расмлари марвча идишларни эслатади (балиқларга тақлид, ҳайвонларни қувиш каби тасвирлар). Улар буерда безаклари ўзига хос маҳаллий кулолчилик мактаби шаклланганидан далолат беради. У Ўрта Осиёнинг IX ва XIII аср бошларидаги кулолчилик саньатига хос умумий ёьналишлар руҳида ривожлана бориб, айни пайтда композициявий ва ранг-тасвир ечимларининг ўзига хослиги, шаклларининг халқ ижодиётига мансублиги билан ажралиб турган.

Насаф работида очилган темирчилар мавзеси ва уерда топилган камсонли торевтикалар IX асрда ва XIII аср бошларида бадиий темирчиликнинг ривожланганини кўрсатади. Ана шундай ноёб ва қизиқарли топилмалардан бири узук шаклидаги курбақа тасвири туширилган қуйма бронза тақинчоқдир. Узук диаметри бўйлаб арабча ёзув бор (Олтинтепа, XII аср). Бундай турдаги бошқа топилмалар ҳам мавжуд қадимги Термиз шаҳристонидан топилган думалок шаклдаги, курбақа тасвири туширилган тумор ва Ўш шаҳридан топилган тақинчоқ шулар жумласидандир. Қурбақа қадимда ҳосилдорлик ғояси билан боғланган ва шу сабабли аёлларнинг севимли заргарлик тақинчоғи қурбақа шаклида бўлган. Бундай тотемча рамзларнинг ислом даври саньатида ҳам сақлангани аҳамиятлидир туркий халқлар исломни қабул қилганига қарамай, улар орасида исломгача бўлган даврдаги эьтиқод ва илоҳлар сақланиб қолган. Ва ниҳоят, мусулмонлар ҳаром деб ҳисоблайдиган қурбақа тасвирининг арабча хайрихоҳлик руҳидаги ёзув билан бирга берилиши ҳам қизиқ ҳолат турли хил диний тасаввурларга тегишли бўлсада, тасвир ва ёзувнинг илоҳий мазмуни бир-бирини тўлдиради. Ушбу топилма ислом маданиятининг илк даврларида эски ва янги унсурлар, шакллар, маданиятлар уйғун ҳолда мавжуд бўлганини тасдиқлайди. Ёзма манбаларга қараганда, воҳада қадимдан пахтаетиштирилган ва ундан ҳар хил матолар тўқилган. Буерларда пахтаетиштирилганини Насаф ҳудудида топилган чаноқ ва чигитлар ҳам тасдиқлайди. Маҳаллий хўжаликнинг аньанавий соҳаларидан бири ипакчилик ва шойи тўқиш бўлган. Шиша идишлар ясалганини бу ердан топилган шиша чиқиндилари ва яроқсиз маҳсулотлар исботлайди. шишасозлик фақат шаҳарликларга хос ҳунар бўлган бу касб орқали ошхона ва кимё учун мўлжалланган маҳсулотлар, атторлик идишлари, арзон тақинчоқлар, ёритқичлар ясалган. X ва XII асрнинг қатор ёдгорликларида кесма штук топилган. Олтинтепа шаҳристонида айрим

қурилмалар, шу жумладан, зодагонлар хонадонлари очиб кўрилган ва буерда ганч нақшлари намуналарига дуч келинган. Бу заминда ёғоч ўймакорлиги ривожлангани ҳақида ҳам маьлумотлар бор. Умуман олганда, XI-XIII аср бошларидаги давр турли-туман ҳунарларнинг жадал ва самарали ривожланганини кўрсатади. Воҳанинг бадиий маданиятида яққол намоён бўлган маҳаллий хусусиятлар билан бирга, мусулмон ренессансига хос умумий тамойиллар ҳам мавжуд. Амир Темур ва темурийлар замони Мовароуннаҳр бадиий маданияти барқ уриб ривожланган давр бўлган. Бу даврда асосий эьтибор салтанат қудрати ва буюклигини намойиш этишга қодир бўлган меьморлик саньатига каратилган. Кейинчалик ҳам шаҳар кенгайиб, ободонлашиб боради. Бу ерда мадраса, хонако, Кўкгумбаз намозгоҳ масжиди (XIV аср) барпо этилган. Қашқадарёнинг XIV асрга оид амалий саньати намуналаридан бири ўлкашунос ўкувчилар томонидан Кожартепа шаҳристонида (Бешкент ҳудудида) топилган қабртош безаги ҳисобланади. Таниқли шарқшунос олим А. Арендс томонидан таржима қилинган эпитафияга кўра, зикр этилган қабртош ёш қиз қабрига қўйилган "Кожар плитаси, - деб ҳисоблайди Л. Манковская, - Ўрта Осиёда эпиграфик меьморлик юксак даражада тараққий этганининг яна бир исботи бўлиб, кунданавислар ёзувини бажарувчи малакали усталарнинг бўлганидан далолат беради. XVIII асрда Қарши Бухоро амирлигининг муҳим маданий-иктисодий марказларидан бирига айланган. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам, вилоят қишлоқларида ҳам мис идишлар ясаш, кулолчилик, мато тўқиш, кашта тикиш ва гилам тўқиш асосий ҳунармандлик соҳаларига киради. XIX асрда Қашқадарё металл буюмлар ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу борадаги йирик марказлар сирасига Қарши ва Шаҳрисабз ҳам киради. Уларнинг маҳсулотлари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, айни пайтда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Улар Ўзбекистоннинг машҳур марказларида ишлаб чикарилган маҳсулотлардан жиддий фарқланган. Усталар Ўз ишида асосан жездан фойдаланган. Идишлар ниҳоятда ранг-баранг бЎлган - чойдиш, офтоба, қумҒон, дастжЎй, лаган, туфдон, шамдон, чилим, жомлар шулар жумласидандир. Техник усуллар ҳам фарқланган: Қашқадарё усталари ясси ва бўртма чеканкадан ва мадоҳил, меҳроб, чашми булбул, кубба, ислимий, кирмак каби нақшлар яратишда қўлланадиган ўймакорликдан фойдаланган. Қашқадарёга хос техник усуллардан бири босма нақш тушириш бўлган (қолиплар ёрдамида алоҳида колипланган деталлар - медалонлар ва гуллар ясалган), фон ёки нақш усти эмал бўёқ билан қопланган, шунингдек, нақш мастика билан қорайтирилган. Идишлар кумуш, рангли шиша ва фируза билан безалганини алоҳида таькидлаш керак. Бундай безаклар кўза асоси бўйлаб доира шаклида, копқоқ четларида, кўза оғзи ва жумрагида ишланган. Бу усуллар Қашқадарё металл идишларининг ўзига хос яхлит ва уйғун услубини шакллантиришга хизмат қилган.

Айни пайтда оддий ва безаги содда идишлар ҳам ясалган, уларнинг бор безаги оғиз четига чизилган ҳошия ва бир неча гул шаклида туширилган босма нақшдан иборат бЎлган.

Одатда бу турдаги ҳунармандликка тор ихтисослашув ва қатьий меҳнат тақсимоти хос бўлган - шакл тайёрлаш ва нақш тушириш билан турли усталар шуғулланган. Қашқадарё мактабининг оддийлиги бир устанинг ҳам шакл, ҳам безак устида ишлай олишини таьминлаган. Бундай усталар қаторига қаршилик уста Низомиддин (1918-1971), уста Саьдий (1860-1920) киради. Қаршиликларнинг устунлигини ҳатто бухоролик усталар ҳам тан олган. Қарши ҳунармандлигининг мис идишлар ясаш маркази ҳисобланган Бухоро усталари ишига таьсири ҳақида мисоллар ҳам бор. Жумладан, Бухорода қашқадарёча офтоба, туфдонлар ва кўтарган пайтда ўзи очиладиган пахта шаклидаги қопқоқли дастжўйлар нусхалари кўчирилган. Қаршилик усталар таьсирида Бухорода эмал бўёклар билан бўяш, рангли шиша ва фируза нақшлар қўллана бошланган. Амирнинг буйруғига кўра, энг яхши қаршилик усталар Бухорога кўчирилган: улар орасида уста Саьдий Ҳарафий Асад номи маьлум. Қарши металл идишларига хос хусусият шаклларнинг яхлитлиги ва бирмунча монументаллиги, ихчамлиги, безакнинг ранг-баранглиги орқали эришиладиган услубнинг ўзига хослиги, рангли локлардан (қизил, кўк, қора) фойдаланиш ва босма нақшларни ишлатишдан иборат. Безак унсурлари доимо йул-йул чизиқ - ҳошия билан безалган, бу ҳам Қашқадарё металл идишларига хос хусусиятдир. Одатдаги идишлар қаторига ўзига хос йусинда ясалган қумғонлар киради. Бошқа шаҳарлар марказларидан (Самарқанд, Бухоро, Хива каби) фарқли Қарши қумғонларининг асоси кенг қилиб ясалган, уларнинг асосий қисми думалоқ бўлиб, бўйни силиндрсимон бўлган. Кўзаларнинг оддий тутқичлари бирмунча оддий бўлса-да, аксарият эьтибор унинг асосий қисми, оғзи ва бўйни безагига қаратилган. XX асрда металл идишлар сифати сезиларли равишда ёмонлашади. XIX асрда ва XX аср бошларидаги Қашқадарё кулолчилигида маҳаллий ўзига хослик сақланиб қолди. Безакли сирланган идишлар сирасига лаганлар, вазалар ва ҳаворанг сир билан қопланган сопол кўзалар киради. Безаклар мўйқалам билан кўк ва кўк-жигарранг тусда бажарилган. XVIII аср охири ва XIX аср бошига оид сопол идишларнинг айрим қисмигина оқ ангоб устига ишқорли нақш тушириш йули билан безатилган (Ўзбекистон давлат саньат музейи коллекциясидаги май учун мўлжалланган кўза). Кўп учрайдиган безак турларидан "юлдуз-гул", "баҳорий", "пахта чаноғи" каби расмлар бЎлган. Безатилмаган идиш-товоқлар - кўзалар, сопол идишлар, машраба ва бошқалар тўқ фируза рангли сир билан қопланган. Бироқ кўпинча сирланмаган идишлар ясалган ва уларнинг безаги йул-йул чизиқлар ва тирналган нақшлар билан чегараланган. Қарши шахри Ўрта Осиёдаги мато тўқиш марказлари орасида ҳам муносиб ўрин

эгаллаган. XX асрнинг бошларига келиб шаҳарда 19 та шойи тўқиш устахонаси бўлган (қиёслаш учун - пойтахт Бухорода 46 та устахона бўлган). Бу ерда асосан узунлиги 9 аршин ва эни 12 қарич ҳажмида нимшойи ва чопонбоп ипгазлама матолар тайёрланган. Маҳаллий мато четга ҳам сотилган. . Мейендорфнинг фикрича, XIX асрнинг бошида Қаршидан пахта хом ашёси, ип калава ва шойи сотиб олинган.

Эркак ва аёлларнинг сақланиб қолган кийимлари (чопонлар, куйлаклар ва ҳоказолар) ўзининг сифати, безалиши ҳамда ўзига хослигига кўра Фарғона водийсининг, Бухоронинг машҳур тўқимачилик марказлари маҳсулотларидан қолишмайди. Қаршида кашта тикиш жияклар ва дўппи, тақияпўш (ёстиқ жилди), рўжа (тўй чойшаби) каби майда буюмлар билан чегараланган ва улар Нурота ва Шаҳрисабз мактаблари руҳида, ўсимлик ва гулли-баргли нақшлардан фойдаланиш йўли билан бажарилган. Қашкадарё аньанавий гиламчилик марказларидан бири. Асосан маҳаллий аҳоли орасида арабий гилам номи билан машҳур бўлган туксиз гиламлар, жойнамозлар, пардалар, қоплар қарчинлар, хуржунлар, турли маиший буюмлар учун қопламалар, хуллас, воҳа маданиятига хос бўлган кўплаб буюмлар ишлаб чиқарилган. XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бутун Ўрта Осиё ҳудуди аньанавий саньатига салбий таьсир кўрсатган. Саноат маҳсулотлари кўпайиб, ҳунармандлар маҳсулотлари ўтмай колгани учун Қашқадарёда уларнинг кўп турлари йуқ бўлиб кетган. Биринчи навбатда наққош усталар ва тўқувчилар иши тўхтаган. Чекланган микдорда каштачилик (қишлок аёллари жияк ва дўппи тикар эди), шунингдек, уй-рўзғор эҳтиёжларига мўлжалланган гиламчилик сақланиб қолган. Аньанавий касб-ҳунарларнинг айрим турлари фақат саноатлашган ҳолдагина сақланиб қолган. Жумладан, Шаҳрисабздаги бутун юртимизга машҳур "Ҳужум" фабрикаси урушгача бўлган даврда фаолият кўрсатган шу номдаги артел базасида ташкил этилган бўлиб, бу ерда 60-йиллардан бошлаб гилам ва каштачилик маҳсулотлари ишлаб чикарила бошлаган.

Аньанавий дизайн бўйича машина ёрдамида гилам тўқиш кенг тарқалган. Фабрикада гиламлар, сўзаналар билан бир каторда дўппилар, зардўзи дўппилар, нимчалар, безакли ёстиқ жилдлари, камарлар, оёқ кийим ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. XX асрнинг 20-йилларидан кулоллар сони кескин камайиб кетган. 80-йилларда кулолчилик мутлақо йук бўлди. Фақат Касби қишлоғида уста Амбар Сатторова қуш ва ҳайвонлар шаклида Ғилдиракли ўйинчоқлар ясаган. Бундай ўйинчоқлар ясаш анъанаси олис ўтмишга бориб тақалади, бироқ XX асрда улар деярли унутилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий касб-ҳунарларнинг тикланиш жараёни кучайиб бормоқда.

Кулолчилик саньатида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳозирги кунда аньанавий каштачиликка кизиқиш ҳам кучаймоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларида уйда гилам тўқиш камайиб кетган эди, эндиликда бу соҳада яна ривожланиш босқичи бошланди: Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг Кўкдала қишлоғида гиламчилик цехи очилган. Бу ерда ўн турдаги (қоқмагилам, термагилам, ҳожаригилам) гилам, хуржун, сумка ва ёстиқжилди каби маҳсулотларишлабчиқарилмоқда. Ишлаб чиқариш технологияси ранглар уйғунлиги ва безаклари ўзбек тўқимачилиги аньаналарига мос. Кўкдала гиламлари Францияда бўлиб ўтган халқаро ярмаркада мукофот олган. Бугунги кунда саньатнинг аньанавий шаклларини тиклаш билан боғлиқ жараёнларнинг асосий йуналиши кўҳна технологияларни, безак йулларини замонавий ютуқлар билан уйғунлаштирган ҳолда тиклашга каратилган. Ҳозирда Қашқадарё вилоятида миллий амалий-безакли санъатни тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қашкадарёнинг кўп асрлик тарихга эга бадиий ҳунармандлик анъаналари яна халқ ҳаётига кириб келмоқда, моҳир усталар қўли билан яратилган буюмлар эса кундалик вазифасини ўташ билан бирга, қадимий маданиятимизни англаш воситасига ҳам айланмоқда

### Бухоро, Ғиждувон, Ўба

XVIII асрни бошларида хунармандчилик Бухорода, Ғиждувонда кучли ривожланган. Шулардан кулолчилик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги , матога гул босиш, каштачилик хозирги кунга кадар давом этиб келмокда.

Ғиждувон шахрида ўнлаб кулоллар яшаб ижод. Ғиждувон шахрида бошка Қарши, Шахрисабз, Самарқанд, Хива, Урганч шахарлардан келиб ишлаганлар. Ҳунар ўрганганлар ва малака оширганлар. Бу ердан купгина кулолчилик ишларини Бухоро, Вобкент, Каттақўрғон, Нурота, Қарши шаҳараларига олиб бориб сотган.

Ғиждувон миллий кулолчилик ишларини халқ усталари давом эттириб келмоқдалар. Шулардан Уста Усмон Умаров катта авлод вакилларидан (1891 йилада тугилган). Уста Ибодулло Нарзуллаев (1927 йилда тугилган). Сопол қанддон, лаган, коса, шокоса каби буюмлар ясаганлар. Улар буюмларнинг ранглар уйғунлигига, сирли кошинкор гуллар кўркамлигига буйсундирилган холда безаганлар. Бу усталарнинг ишлари нафақат Ўзбекистонда балки бошка чет элларда хам машҳурдир. Улар Республикамиз ва бошка чет эл виставкаларининг домий қатнашчиси бўлганлар.

Ҳозирги кунда усталарнинг ишларини уларнинг фарзандлари давом эттириб келмокда ва шулардан бири Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ устаси Алишер Нарзуллаев шу мактаб давомчисидир.

"Ташаббус" кўрик-танловларида Ўзбекистон Президенти соврини ғолиби бўлдилар ва тажриба алмашиб ишлаш учун АҚШ, Япония, Франция, Афғонистон каби купгина мамалакатларда бўлиб келдилар.

Алишер Нарзуллаев хозирги кунда ҳам ҳунарларини ёшларга ўргатиб келмоқдалар. У киши Ғиждувон миллий кулолчилик услубида сопол лаган, шокоса, пиёла, лали ва хоказо ижодий ишлари билан Ўзбекистоннинг мизей ва меҳмонхоналари безитиб келмокдалар.

Бетакрор санъаткор, халқ амалий хунармандчиликнинг моҳир устаси, собий иттифоқ рассомлар уюшмасининг аъзоси Ҳамро биби Раҳимова қўлида сайқал топган турли-туман ўйинчоқлар дунёнинг деярли барча мамлакатларида намойиш қилинган. Айниқса, Фарангистоннинг Луер, собиқ Ленинграддаги Давлат эрмитажи, Собир СССР халқлари этнографияси музейлари кўргазмаларида қўйилган экспонатлар ўзининг бетакрорлиги ва мўъжизакорлиги, фантастик олами билан томошабинлар олқишига созовор бўлган.

Ҳамро биби Раҳимова фаолияти давомида ўнлаб етук шогирдлар етиштирдики, улар бугунги кунда ҳам машҳур кулолсоз ишларини давом эттириб, ўзбек кулолчилик мактабини ажойиб санъат асарлари билан бойитмоқдалар.

Ана шулардан Жаббор Рахимов, Кубаро опа Бобоевалар ижодий изланишлари, тинимсиз меҳнатлари ўйинчоқсозларнинг кундалик юмушига айланган. Усталар яратаётган ўйинчоқлар ҳар бир томошабинни эртаклар ва ажойиботлар оламига олиб кириши табиий. Халқ оғзаки ижодида таъкидланган қирқ бошли аждарҳолар, афсонавий семурғ қушлари, икки бошли қўчқорлар, Насриддин Афанди ҳаётидан ҳикоя қилувчи қизиқарли шакллар ўзбек халқи эртаги асосида яратилган композициялар кишини беихтиёр ўзига тортади. Улар бевосита кичкинтойлар руҳи оламини бойитишга, онгини ўстиришга,гўзалликни ҳис этишга ўргатади.

Шуниси қувончлики вилоят маркази бўлган Бухоро шаҳрида кулолчиликнинг янги соҳаси пайдо бўлди. Бу декоратив монументал санъат бўлиб, уни манзаравий кулолчилик деб ҳам айтиш мумкин.

Маълумки сополнинг бу тури Ўзбекистонда 70-80 йилларда кириб келди. Унинг энг гўзал намуналари Тошкент шаҳрининг чиройига чирой қўшди. Айниқса Тошкентлик усталар Кедрин, А.Рахимов, Э.Абрамов, Ю.Ким, С.Султонмуродов, С.Қарлиханова, Ф.Тошмухаммадов бу санъатнинг мумтоз намуналарини яратиб кўп сонли санъат мухлисларининг олқишига сазовор бўлишди. Кейинги вақтларда Бухоронинг маъмурий-маданий биноларида, Бухоролик рассом ва усталарнинг кўргазмаларида санъатнинг мазкур турига оид ишлар кўзга ташланмоқда. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу ишлар кулоллар Б.Гулов, Н.Саидов, хайкалтарош Х.Зойиров, Қ.Норхўрозов ҳамда меъморлар Т.Каримов, З.Қиличев, Р.Мавлюбердинларнинг ҳамкорликда олиб борган ижодий фаолиятининг самараси сифатида майдонга келди. Санъатшунос А.Хакимов такидлаганидек, - “Ўзбекистон замонавий дастгоҳли кулолчилик ривожланишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки у ҳайкалтарошлик ҳамда ранг тасвирнинг шаклланишида ижобий роль ўйнамоқда”. Бухоро кулолчилиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Кулол, ҳайкалтарош ва меъморларнинг ижодий ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Улар кейинги йилларда бир қанча монументал асар яратди.

I. Кулолчилик санъати марказлари

1. Хоразм гурухи

2. Бухоро - Самарқанд гурухи

3. Фарғона гурухи

1. Хоразим гурухи

Хива кулолчилик мактаби

Урганч кулолчилик мактаби

Хонқа кулолчилик мактаби

Хўжайли кулолчилик мактаби

Тошҳовуз кулолчилик мактаби

Тўрткўл кулолчилик мактаби

Қўшкўл кулолчилик мактаби

2. Бухоро – Самарқанд гурухи

Ғиждувон кулолчилик мактаби

Ўба кулолчилик мактаби

Самарқанд кулолчилик мактаби

Ургут кулолчилик мактаби

Урметан кулолчилик мактаби

Жиззах кулолчилик мактаби

Китоб кулолчилик мактаби

Шахрисабз кулолчилик мактаби

Касби кулолчилик мактаби

Денов кулолчилик мактаби

Қора тоғ кулолчилик мактаби

3. Фарғона гурухи

Риштон кулолчилик мактаби

Исфара кулолчилик мактаби

Ўратепа кулолчилик мактаби

Кони бодом кулолчилик мактаби

Наманган кулолчилик мактаби

Шехон кулолчилик мактаби

Андижон кулолчилик мактаби

Бу кулолчилик мактабларининг бирдан-бир фарқи шундаки, улар ишлатадиган тупроқ, улар ясаган буюмларнинг шакли, буюмларга туширилган нақшлар турли хилда бўлади.

Устозода Бозор Итолмасов 1947 йил 15 май Касби тумани кулол-ҳунарманд оиласида таваллуд топган. 1954-1964 йилларда Касби туманидаги 20-ўрта мактабда таълим олган. Бозор Итолмасов кулол оиласида туғилганлиги сабабли ёшлигида шу касб ичида ўсиб улғайди. Ота-бобоси ясаган сопол кўза хумларни кўриб унинг кулолчилик

санъатига бўлган қизиқиши эрта бошланди. У кулолчилик санъатини отаси Итолмас Очиловдан ўрганган. 1961 йилдан бошлаб мустақил равишда сопол буюмларни ясай бошлади. Унинг бир қанча ишлари элга манзур бўлиб, халқнинг кундалик турмушида фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташкари Қашқадарё вилояти амалий санъат музейларида янги ижодий буюмлари сақланиб келинади.

1996 йилдан бир қанча республика, вилоят ва шаҳар кўргазмаларида қатнашиб келади. Ҳозирда Қашқадарё вилоят “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо.

Устозода Бозор Итолмасов ота-боболаридан қолган ҳунарни давом эттириб, Касби кулолчилик санъатини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Уста Очилов Фахриддин 1966 йил 24 май Қашқадарё вилоят Касби туман Касби қишлоқида уста кулол Итолмас Очилов оиласида дунёга келди. Унинг болалик йиллари шу қишлоқда ўтди. 1972-1982 йиларда Чехов номидаги 20-мактабда таҳсил олган.

Ёш Фахриддинни уйда ясаётган бир-биридан гўзал кўзалар, хумлар, косалар ва шунга ўхшаш уй-рўзғор буюмлари унда кулолчиликка бўлган иштиёқини уйғотди.

Отаси ёрдамида лойна қандай тайёрлаш усулларини чуқукр ўрганиб олди.

1972-1982 йилларда Чехов номли 20-ўрта мактабни тамомлади. Болалик пайтларида лойдан турли ўйинчоқлар ясашдан лой билан ишлашни ўрганиб борди. Ёш устанинг биринчи ясаган гулдони унда ўзига хос завқ бағишлади. Сўнгра кўза, хум, коса ва бошқа кулолчилик буюмлари ясашни машқ қила бошлайди. Ҳозирги кунда устани ўз ишининг моҳир устаси десак муболаға бўлмайди. Устанинг қўл очтидаги шогирдлари ҳам устани изидан бориб унинг ишларини давом эттирмоқда.

Уста ўз ишлари билан вилоятда ўтказилган бир неча кургазмаларда, ярмаркаларда иштирок этганлар ва иштирок этиб келмокдалар.

Мўъжазгина устахонада харакатга келаётган айлана тош устида турли шакллар аста-секин ўзига хос санъат асарига айланмоқда.

Касби кулоллари лойдан турли буюмлардан ташқари ҳар хил болалар учун уйинчоқлар ясаш билан ҳам шуғулланадилар.

Бу иш билан шуғулланувчиларни энг улуғи собиқ совет ҳунарманд уюшмаси аъзоси Анбара Сатторова.

Уста 1910 йил Касбида кулол оиласида туғилган. У киши ясаган уйинчоқлар билан ўйнамаган Касбида топилмаса керак.

Байрамларда, сайлларда уста ўзи ясаган ўйинчоқлар билан болалар дилини хушнуд этганлар.

Байрамлар бошланаверса аммамизни узоқ жойларга ўз ишлари билан олиб кетишарди - дейди устанинг жияни Бахтиёр Сатторов.

Уста ўтган умрлари давомида бир нечта шогирдлар чиқарганлар. Ҳозирда у кишининг ишларини давом эттириб келаётган усталардан Ражабхол Очиловадир.

Уста 1952 йил Касбида уста кулол Итолмас Очилов хонадонида дунёга келган.

Ҳозирда Анбара момонинг изларидан бориб, у кишининг ишларини давом эттириб келмоқда.

Мўъжазгина устахонада харакатга келаётган айлана тош устида турли шакллар аста-секин ўзига хос санъат асарига айланмоқда.

Кулолчилик аждодларимиздан қолган мерос – дейди касбилик уста Бахтиёр Сатторов.

Ёшим эллик бешда. Аждодларимиз Жаббор бобо, Саттор бобо, отамГулмурод кулоллар шу ҳунарни улуғлаб ўтдилар. Ифтихор билан айтаманки, қарийб уч асрлик авлодлар анъанасини давом эттиряпман. Кулолчилик катта меҳнатни талаб этади.

Қизил сақичли тупроқдан сифатли янада пишиқ ва пухта ҳар томонлама мукаммал маҳсулот чиқади. Бир дона хум ёки тандир ясаш учун уч соат, кўза учун эса бир соат вақт сарф бўлади.

Бугунги мижознинг диди баланд. Шунинг учун маҳсулотни сифатли бозоргир қилиб тайёрлашга жиддий эътибор берамиз.

Бахтиёр кулолнинг ўн бир нафар фарзанди бор. Улар орасидан Нуриддин ва Шуҳратлар отаси изидан боришмоқда.

Кулол устахонасида иш қуроллари, кўза ва қумлар ажойиб тарзда териб қўйилган. Моҳир кулол яратган нодир ва бетакрор санъат дурдоналари Касби кулолчилиги довруғини дунёга ёймоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.С.Булатов ‘Ўзбек Халқ амалий безак санъати’

2.Мўминов ‘Касбиликлар’

3.’Санъат’журнали  1990 йил 2-сон

4’Халқ сўзи’ 2010 йил  10 апрель

5.’Халқ сўзи’ 2008 йил 19 сентябрь

**Таянч тушунчалар.**

1. Мавзе – шохобча, туманнинг бир кисми.
2. Кулол – сопол буюм ясовчи уста.
3. Археологлар – Кадимги замон «излари»ни кидирувчилар.
4 Олд Осиё – Осиёнинг гарбий кисми.
5. Далворзин – ота ва кизнинг исмларидан олинган тепалик номи.
6. Афросиёб – Подшохлик ва саройнинг номи.
7. Хумдон – сопол буюмлар пиширадиган жой.



б

























